# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: halksuzi@sand.uz ● 2002 йил 13 сентябрь, №197-198 (3025-3026) Жума


Ифтихор

## Нони бутун бўлган юрт

Шу йил мамлакатимизда 5 миллион 330 минг тонна ғалла етиштирилди. Бундай ҳосил 1991 йилдагига қараганда қарийб 3 баробар кўп. 10 йилдан ортиқ вақт ичида рўй берган бу ўзгариш тагида нима ётибди, десам, аввало, «меҳнат ётибди» дейишингиз аниқ. «Мен эса буни бошқачароқ тушунаман, — деб гап бошлади Эрмат фермер. — Ғалла сиёсатида Юртбошимизнинг тутган ишига, тўғриси, қойил қолдим. Нега дейсизми? Мен бир умр пахта эккан деҳқонман. Шўролар даврида салкам 30 йил бригадир бўлиб ишлаганман. Турсам ҳам, ётсам ҳам тушимга пахта кириб чиқарди. Пахта — нонимиз, пахта — шонимиз деб ўзимча ғурурланиб ҳам юрардим. Мустақилликка эришгач, буғдой экиш ҳам чекимизга тушди. Тўғрисини айтиш керак, дастлабки йиллари 30 центнердан ғалла олганда «тинчгина пахта экиб юраверсак бўлмайдими, бўлар-бўлмас ғалла деб пахта майдонларини буғдойга бўшатиб берганимиз нимаси экан», деган хаёлларга борганим ҳам рост. Президентимиз «ўзимизнинг пахтамиз ҳам, ғалламиз ҳам, нефтимиз ҳам бўлади» деганларида бир ишондим, бир ишонмадим. Негаки, гўё ерларимиз буғдой экишни хушламайдигандай туюлди-да, ука. Айбга буюрмайсиз, 40 йил деҳқончилик қилган одам ҳам янглишар экан. Йиллар ўтиб ҳосилдорлик 40 га чиқди, сўнг 50 центнер бўлди. Бу ўртада фермер хўжалиги тузиб, 233 гектар ерда деҳқончилик қила бошладим. Тинмадик, кечаю-кундуз меҳнат қилдик. Юртбошимиз Фармони билан «Меҳнат шуҳрати» ордени билан мукофотландим. Хўжалигимиз аъзоларининг уйларидаги омборлари донга тўлди. Олди аъзоларимиз 8 тоннагача ғалла олди. Еса нон, сотса пул. Қишлоғимиздаги тегирмонлар ҳам шошиб қолди. Дастлабки йилларда калта ўйлаган эканмиз. Бугунги мўл-кўлчиликни, бугунги бойликни келади деб ишонмабмиз. Қаранг, Юртбошимиз ғалла сиёсатини босқичма-босқич амалга ошириб бугунги кунларни олдиндан кўра билибдилар-да, отасига раҳмат!».

Ўрта Чирчиқ туманидаги «Усмон» фермер хўжалигининг раиси Эрмат ака Усмонов билан бўлган суҳбатимиз шундай бошланди. Унинг мулоҳазаларини тинглар эканман, туман бўйича бу йил 50 минг тонна ғалла етиштирилганлиги, унинг 30 минг тоннаси шартнома режасига мувофиқ давлатга, қолган 20 минг тоннаси одамларга улашиб берилганини ҳам ифтихор билан эсладим.

Эрмат аканинг дил изҳорларига монанд яна бир воқеа ёдимга тушиб, ич-ичимдан қувониб кетдим. Туманнинг Охунбобоев номли ширкат хўжалигида машҳур пахтакор, Меҳнат Қаҳрамони Миразиз бува Рўзматов яшайдилар. Умри пахтачиликда ўтган бу инсон оддий тракторчиликдан раисликкача бўлган машаққатли йўлни босиб ўтган. Ҳозир ёшлари 85 да. Ҳали ҳам бардам, ишчан, хўжаликнинг фахрий раиси. Шу одам учрашиб қолганимизда бир гап қилдилар:

— Ўғлим, мен раислик қилиб юрган пайтимда 100 тонналик маҳсулот сиғадиган омбор қурдирган эдим. Ўшанда, ҳайҳотдай омборни кўриб баъзилар устимдан кулишди ҳам, нима, ичида қўй боқасизми, деб. Дастлаб ғалла эккан йилларимизда ўзимизга қолган дон унинг бир четига жой бўлди, холос. Ҳеч уни тўлдириб бўлмади. Шу ишим чакки бўлган экан-да, деб кўп афсус чеккан кунларим ҳам бўлди. Ўтган йилни айтмай қўя қолай, бу йил ширкат хўжалигимизга шунақа омбордан нақ 6 таси керак бўлди-да. Дон уйилиб кетган, олиб кириб қўядиган жой йўқ, омбор етмай қолди, ўғлим.

Туманимизда ҳам хирмонлари донга тўлиб омбор қидирган раисларни кўп учратдим. Худо хоҳласа, йўл бошида нима ният қилган бўлсак, ҳаммасига эришаяпмиз. Одамларимизда ишонч тоғдек юксалаяпти, ўғлим.

Мен бу донишманд инсоннинг гапларига юракдан қўшилиб, яна бир фикр билдирмоқчиман. Андижон пахтакорларининг ва ғаллакорларининг деҳқончиликдаги муваффақиятларини кўп эшитганмиз. Дастлабки йилларда Андижонда ғалладан 70-80 центнердан ҳосил олибди деса, рости, унчалик ишонмасдик ҳам. «Ҳа, энди...» деб қўяр эдик. Қаранг, тумандаги А.Икромов номли ширкат хўжалигининг пудратчиси Боқибой Алимов 6 гектар ғалла майдонидан 71 центнердан ҳосил етиштирди.

— Ишласа бўлар экан, дўстим, — дейди ундан мўл ҳосил сабабини сўраганимда. — Ўзимга ажратилган донни нақ бир ҳафта уйга ташидим. Келаси йил саксонни кўзлаб турибман.

Мен унинг меҳнаткаш қўлларини қисиб қўйдим.

Бугун она Ўзбекистон нони бутун бўлган юртга айланди. Қишлоқдаги қайси хонадонга кирманг, ҳаммасининг чеҳраси очиқ, ҳамманинг кўнгли тўқ. Бизнинг халқимизга хос одатлардан бири — қишлигини ғамлаб қўйиш одамлар кўнглига нафақат ёруғлик, балки эртанги кунга ишончни ҳам мустаҳкамлади. Ҳамсуҳбатларим Миразиз бува ҳам, Эрмат ака ҳам, Боқибой дўстим ҳам суҳбатларининг сўнгида бир сўзни такрорлашди: «Йўлимиз тўғри экан». Илоҳим, Оллоҳ ҳамиша бизни тўғри йўлга бошласин.

**Ҳамид НОРҚУЛОВ.**




*Билими, омадини синаб, орзу-ният-ла кутган дамларига етган бу ёшлар бу кун талаба бўлишди. Уларнинг қувончлари беҳудуд. Орзулар ушалган, талабалик насиб айлаган бу қувончли дамлар юртимизнинг эртанги кун авлодига қуллуқ бўлсин.*

**Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.**

Нигоҳ

## Тинч ҳаёт – улуғ неъмат

Тун. Нимагадир уйқум келмаяпти. Ўрнимдан туриб, секин дераза ёнига бордим. Осмонга тикиламан. Нақадар тиниқ ва мусаффо. Юлдузлар кўплигидан жавоҳир гиламни эслатади. Худди коинотдаги юлдузлар шаҳар узра йиғилгандек.

Пастга тушиб тоза ҳаводан нафас олгим келди. Ҳовлига чиқдим. "Тун созандалари"нинг овозлари жўр бўлиб ўзига хос бир мусиқадек янграйди. Курсилардан бирига бориб ўтирдим. Узоқдан поезднинг "гудоги" эшитилади. Ярим кечада қаёққадир шошилади. Узоқроқдан ёш йигит ва қиз келяпти. Ёнимдан ўтиб нарироқдаги курсилардан бирига жойлашишди. Йигит нималарнидир тўхтовсиз гапиряпти. Ҳар замонда қизнинг секин кулган овози эшитилади. Бироз ўтиришгач, қиз ўз "подъезди"га кириб кетди. Йигит ҳам секин изига қайтди. Нақадар бахтли, беташвиш бу ёшлар. Бир маҳал дўриллаган овозлар яқинлаша бошлади. Икки киши бирон кечадан қайтишяпти шекилли, ўз таассуротлари билан ўртоқлашишяпти:

— У шундай деганидан кейин мен ҳам жавоб қайтаришим керак эди, тўғрими? – дейди бири.

— Ҳа, лекин у ҳақда кейинроқ ...

— Сен мени яхши тушунда, ахир у...

— Тўғри, – дейди иккинчиси баҳслашишга тоқати йўқлигини билдириб. Улар ҳам уйлардан бирига кириб кетишди.

Кўча томон йўл олдим. Йўл атрофида қатор тарвуз хирмонлари уюлган. Уларнинг ёнидаги каровотларда сотувчилар дам олишмоқда. Улардан бири узоққа тикилганича жим. Мижоз кутяптими ёки уни ҳам қандайдир хаёллар чулғаяптими?..

Шу ердаги уйлардан бирида машҳур адиб яшайди. Унинг асарларини ҳамиша қизиқиш билан ўқийман. Хоналаридан бирида чироқ ёниб турибди. Тез кунда олижаноблик ва матонат уфуриб турадиган яна бир асар яратилса, ажабмас.

Катта йўлдан ҳар замон машина ўтиб қолади. Ҳа, кимдир қаёққадир бориши керак.

Тонг отмоқда. Аста-секин қушлар чигирткаларнинг ўрнини эгаллашади. Ҳаво нақадар тоза. Узоқдан трамвайнинг овози эшитилади. Демак, янги кун бошланмоқда.

Мени қувонтирган нарса бу – атрофнинг тинч ва осойишталиги. Бу ҳолат бизга одатдагидек бўлиб қолганлиги яхши, албатта. Лекин дунёнинг неча бир давлатларида, қанча-қанча фуқаролар буни орзу қилишади!!!

Отам раҳматли айтардилар, "Тинчлик бўлса, ҳамма нарса аста-секин бўлаверади. «Тинч ҳаёт – улуғ неъмат", деб. Ҳақиқатдан ҳам, отам ва у каби урушни кўрганлар осойишталик қадрини ҳаммадан кўра яхши билишади.

Фарзандларим ширин ухлашяпти. Дераза ёнига бордим. Уфқдан қуёш чиқиб келяпти. Мен уни фарзандларим ва улар каби улғаяётган ёшларимизга қиёсладим.

Қуёш баланд кўтарилавериб заминга ҳаёт бахш этади. Уни жаннатга айлантиради. Насиб этса, фарзандларимиз ҳам она-Ватанимизнинг порлоқ келажагини яратадилар. Менинг бунга ишончим комил.

**Салим ДОНИЁРОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

Сўнгги хабарлар

## ҲУЖЖАТ ИМЗОЛАНДИ

Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигида Ўзбекистон ҳамда Германия ҳукуматлари ўртасида мамлакатимизга 1,02 миллион евролик беғараз ёрдам ажратиш тўғрисидаги битим имзоланди. Ҳужжатга Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар вазири Элёр Ғаниев ҳамда ГФРнинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Мартин Хеккер имзо чекди.

"Профессионал таълимни ривожлантиришга кўмаклашиш" лойиҳаси доирасида имзоланган бу битимга кўра, ажратилган маблағ Ўзбекистондаги ўқув юртлари ўқитувчиларининг касбий тайёргарлигини яхшилаш, малакасини ошириш, ўқитиш услубиятини такомиллаштириш, турли илмий лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этишга сарфланади.

Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигидаги учрашув чоғида Ўзбекистон-Германия ҳамкорлиги ҳар жиҳатдан самарали кечаётгани таъкидланди. Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, транспорт ва телекоммуникация, озиқ-овқат саноати, қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш соҳаларида ўрнатилган кенг кўламли алоқалар бунинг яққол далилидир.

Учрашувда икки мамлакатнинг таълим соҳасини ривожлантириш борасидаги ҳамкорлиги ҳам диққатга сазовор экани айтиб ўтилди. Хусусан, биргина "Профессионал таълимни ривожлантиришга кўмаклашиш" лойиҳаси доирасида Германия ҳукумати Ўзбекистондаги таълим тизимини такомиллаштириш учун 7,6 миллион евро ажратишга қарор қилган. Умумий ҳажмда эса, Германия ҳукумати мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий соҳасини ислоҳ қилишга кўмаклашиш мақсадида жами 140 миллион евродан ошувчи имтиёзли кредитлар берган.

**(ЎзА).**

## ГЕРМАНИЯ ҲУКУМАТИНИНГ БЕҒАРАЗ ЁРДАМИ

Ўзбекистон билан Германия ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари тобора кенгайиб бормоқда. Бу жараён ижтимоий-иқтисодий жабҳада, хусусан, соғлиқни сақлаш соҳасида яққол кўзга ташланади. Тошкент вилояти сил касаллигига қарши диспансерида бўлиб ўтган тадбир бу фикрнинг далили бўлиши мумкин.

Германиянинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси М.Хеккер Германия ҳукумати томонидан ажратилган беғараз ёрдам — 2,5 миллион евролик сил касаллигини даволаш ва унинг олдини олишда қўл келадиган ноёб дори-дармонлар, энг замонавий тиббий ускуналар, иккита "Дамас" автомобилини мазкур диспансерга топширди.

Таъкидлаш жоизки, бу Германия томонидан ажратилаётган илк ёрдам эмас. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг сил касалига қарши курашиш бўйича DOTS дастури доирасида амалга оширилаётган бу хайрли иш 1999 йилда бошланган эди. Шу пайтгача мамлакатимизнинг турли минтақаларига 7,5 миллион евролик ташхис мосламалари ҳамда лаборатория жиҳозлари етказиб берилди. Мисол тариқасида Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятини кўрсатиб ўтиш мумкин.

Инсон соғлиғи учун қайғуриш барчамизнинг вазифамиз, — дейди элчи М.Хеккер. — DOTS дастури негизида ҳам силга бутунлай чек қуйишдек катта мақсад ётибди. Яқин кунларда Сурхон воҳаси ва Фарғона водийсидаги силга қарши курашиш диспансерларига беғараз ёрдам сифатида 5 миллион евролик турли тиббий ускуна ва дори-дармонлар етказиб берилади.

Тадбирда Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазири Ф.Назиров, Тошкент вилояти ҳокими У.Мирзақулов иштирок этди.

**Озод РАЖАБОВ,**
**ЎзА мухбири.**

*Андижоннинг сўлим Хонободида яна бир қўшма корхона фаолият кўрсата бошлади. Автомобиллар учун йилига 160 минг комплект жгут ва электр симлар ишлаб чиқарувчи ушбу корхона "Андижонкабел" акциядорлик жамияти негизида чет эл сармоялари, хусусан, Жанубий Кореянинг "Коджи холдинг ЛТД" фирмаси ҳамкорлигида ташкил этилди.*

## «Ўз-коджи»

Ҳозирда бу ерда иш бошлаган 110 нафар ёшнинг 18 нафари Жанубий Кореядаги корхоналарда малака ошириб қайтишди. Корхона тўла қувват билан ишлай бошлагач, 280 киши ишли бўлади.

"Ўз-коджи"нинг яна бир жиҳати, бу ерда нафақат Асакада ишлаб чиқарилаётган машиналарга, балки барча русумдаги енгил машиналар ва тракторлар учун ҳам жгут ва электр симлари ишлаб чиқарилади.

## «ТУРОН»ДАГИ ҚИЗИҚАРЛИ СУҲБАТ

Пойтахтимиздаги "Турон" кутубхонасида Олий Мажлис депутатлари ҳамда зиёлилар вакиллари иштирокида жамиятимизни эркинлаштиришнинг янги босқичига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда Президентимиз Ислом Каримовнинг Олий Мажлис IX сессиясидаги "Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари" мавзуидаги маърузасида ўртага қўйилган устувор йўналишларни ўрганиш, уларнинг мазмун-моҳиятини аҳоли, айниқса, ёшлар онгига сингдириш масалалари хусусида фикр юритилди.

Тадбирда сўзга чиққанлар жамиятимиз тараққиётини белгиловчи демократик тамойилларни тарғиб ва ташвиқ этиш, аввало, фуқаролар сиёсий онгини янада юксалтириш, бу борадаги ишларга жамоатчилик ташкилотларини кенг жалб этиш зарурлиги, бунда матбуот, радио ва телевидениенинг ўрни беқиёс эканига эътиборни қаратди.

**Ҳулкар СОДИҚОВА,**
**ЎзА мухбири.**

## ШАҲАРГА КЎРК БАҒИШЛАЙДИ

Нукус марказидаги кўримсиз бўлиб қолган "Қирққиз" ресторани шаҳарнинг 70 йиллик тўйи муносабати билан қайта реконструкция қилинмоқда.

Ушбу иморат замонавий меъморчилик услубида қайта таъмирланмоқда. Бу ишни "Тож Маҳал" масъулияти чекланган жамият буюртмаси асосида "Нукусқишлоқтураржойқурилиш" очиқ турдаги акционерлик жамияти қурувчилари амалга оширмоқда.

— Реставрациядан сўнг бу гўзал иморат шаҳарга чирой бағишлаши шубҳасиз, — дейди таъмирлаш ишларини олиб бораётган қурилиш участкаси бошлиғи Арисланбой Мустафоев ЎзА мухбирига. — Уни тўла таъмирдан чиқариш учун 236 миллион сўмлик иш бажаришимиз лозим. Бугунга қадар 150 миллион сўмдан ортиқ таъмирлаш ишлари уддаланди. Ресторанни шаҳар юбилейига қадар ишга тушириш режалаштирилган.

**А.ОРТИҚБОЕВ.**

СУТ ПУЛИНИ КИМ ТЎЛАЙДИ?

«Халқ сўзи» назоратида

## Қарз мол-мулк ҳисобидан ундирилади

**«Халқ сўзи»нинг 2002 йил 15 июнь сонида чоп этилган «Сут пулини ким тўлайди?» мақоласи "Нукуссут" ҳиссадорлик жамиятининг умумий йиғилишида "ҚҚгўштсутсаноат" ҳиссадорлик компанияси раисининг биринчи муовини иштирокида муҳокама қилинди.**

**Маълум бўлишича, ҳиссадорлик жамиятида дебитор қарзлар кўпайиб, молиявий шароитлар сустлашиб кетган. Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик суди шу йил 2 апрелда ушбу қарзларни ундириш бўйича тегишли қарор чиқарган. Бироқ "Нукуссут" ҳиссадорлик жамиятига хўжаликларнинг қарзларини тўлаш имкони бўлмаган. Шу сабабли Қорақалпоғистон Республикаси Суд департаменти уларнинг қарзларини мол-мулки ҳисобидан ундириш лозим, деган тўхтамга келган. Тегишли ҳужжатлар иш юритувига қабул қилинган.**

**А. ИБРАГИМОВ,**
**Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раисининг ўринбосари.**

Дўстлик сарҳадлари

## Корея адиблари — Ўзбекистонда

Шу кунларда Жанубий Корея давлатининг адабиёт вакилларидан бир гуруҳи республикамиз ҳаёти билан танишиб, юртимиз бадиий сўз ижодкорларининг турли мулоқотларида иштирок этмоқда. Шундай учрашувлардан бирини Ўзбекистон халқ ёзувчиси Одил Ёқубов бошқарди. Унда Ўзбекистон ҳамда Корея давлатлари муносабатлари тарихига назар ташланди. Ҳар иккала халқнинг муштарак хусусиятлари, орзу интилишлари бадиий адабиётларда нечоғли акс этаётгани таъкидланди. Жумладан,корейс халқининг таниқли шоири ва таржимони Киму Хён Цо юртимизга «Одамлари ва урф-одатлари худди иқлимидек иссиқ мамлакат » деб баҳо берди. Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлашда корейс халқи ўзбек халқи билан ёнма-ён туришини айтди.Икки давлатнинг маданият ва бадиий ижод усталари Ўзбекистон ва Корея халқлари ўртасидаги маънавий-маданий муносабатлар, бадиий асарларнинг таржималари ва чоп этилиши билан боғлиқ муаммолар хусусида фикрлашдилар.

**Мамлакат КАРИМОВА.**

## Озон қатламини асрайлик

Курраи заминимизда ҳар йили 16 сентябрь — Халқаро озон қатламини муҳофаза қилиш куни сифатида кенг нишонланади. Бундан ўн беш йил муқаддам шу куни Монреаль шаҳрида озон қатлами емирилишига қарши "Монреаль баённомаси" қабул қилинган.

Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасида шу муносабат билан соҳа мутахассислари иштирокида давра суҳбати бўлиб ўтди. Қўмита раиси Х.Шеримбетов бошқарган ушбу тадбирда сўзга чиққанлар мамлакатимизда мустақилликнинг илк йиллариданоқ атроф-муҳит муҳофазасига катта эътибор берилаётгани, хусусан, озон қатлами емирилишининг олдини олишга қаратилган муҳим чора-тадбирлар амалга оширилаётганини таъкидлади.

Ўтган давр мобайнида бу борада бир қанча муҳим халқаро конвенция ва битимлар имзоланди. Мамлакатимиз уларнинг барчасида фаол қатнашаётир. Шу ҳужжатлар асосида юртимизда озон қатламини емирувчи моддаларни ишлатишнинг олдини олиш бўйича ишлаб чиқилган Миллий дастур изчиллик билан босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Тадбирда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт дастури (БМТТД) ҳамда ҳукуматимиз томонидан ишлаб чиқилган Атроф-муҳит дастурининг тақдимоти бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизда она табиат муҳофазаси йўлида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар самарадорлигини ошириш, соҳа ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш кўзда тутилган.

**(ЎзА).**

БУГУНГИ СОНДА


**ҒАТ-ҒАТ ҚИЛГАН КАРНАЙЧИ, БАЛОГА ҚОЛГАН-ЧИ?..**
*Салкам тўққиз йилдирки, қачон шу ҳақда сўз очилса, водийлик тадбиркор Ўрмонжои Йўлдошевнинг аламига алам қўшилади...* 2-бет


*«...Туронзаминлик бир қария Хитойга бориб, ипак — пилла қуртининг «ижоди» эканлигини пайқаган ва унинг уруғини ҳассасининг ковагига яшириб, Туронзаминга олиб келган экан».* 3-бет

Таклиф биздан,

4-бет

хоҳиш сиздан... 5-бет

*Республикадаги энг яхши инглиз тили ўқитувчиларидан бири бўлишни истасангиз...* 6-бет


*Турли давлатлар олимлари одамзод ер юзидан йўқолиши билан унинг ўрнини улкан кальмарлар, учувчи вахший балиқлар ва идрокли бабуинлар эгаллайди, деган фикрни илгари суришмоқда...* 7-бет


*Навоий ҳаётининг энг оғир бечоралик пайтларида ҳам, шону шавкатга эришган фурсатида ҳам Паҳлавон у билан бирга бўлган.* 8-бет



Сессиядан кейинги ўйлар

# Рағбат — масъулиятдир

Яқинда бўлиб ўтган Олий Мажлис сессиясида Давлат бюджетининг 2002 йил биринчи ярим йиллигидаги ижроси масаласининг муҳокама қилинганлиги бюджет ижросини таъминлаш борасида муҳим аҳамият касб этади. Чунончи, бюджет ижросининг парламентда мунтазам кўрилиши мамлакат иқтисодий, молиявий жараёнларини ойдинлаштиришга, бу борадаги муҳим ва устувор йўналишларни белгилашга замин яратади. Шу жиҳатдан сессия эътиборига ҳавола қилинган ушбу масала мамлакатимизда изчиллик билан амалга оширилаётган кенг қамровли иқтисодий ислоҳотларнинг ўзига хос жиҳатларини, эришилаётган натижаларни кузатиш, жамиятимиз ижтимоий ҳаётининг барча жабҳаларида келажакда қилиниши лозим бўлган вазифаларни англаш имконини ҳам беради.

2002 йилнинг биринчи ярим йиллиги бўйича давлат бюджети даромадлар ижроси режага нисбатан 100 фоиздан ошириб бажарилганлиги, шунингдек, режалаштирилган бюджет тақчиллигининг ялпи ички маҳсулотга нисбатан 2,0 фоиз ўрнига 0,8 фоизни ташкил этганлиги ва энг муҳими, бюджет тақчиллигининг инфляцияга тааллуқли бўлмаган манбалар, яъни Марказий банк кредитлари ҳамда ҳукуматнинг йил бошидаги қолдиқ маблағлари ҳисобига қопланганлиги мамлакатимизда иқтисодий ўсишнинг барқарор кўринишга эга бўлаётганлигини кўрсатиб турибди.

Ҳисоботда кўрсатилишича, барча солиқлар бўйича тушумлар режаси ортиғи билан бажарилгани ҳолда, уларнинг бюджет даромадлари салмоғидаги ўрни бирмунча камайганлигини ҳам кузатиш мумкин. Бу эса иқтисодиётда солиқ ҳажмининг мунтазам пасайиб бораётганлигини кўрсатади. Маълумки, барқарорликка эришган иқтисодиётдагина шундай жараёнлар рўй бериши мумкин. Таъкидлаш жоизки, эндиликда ҳар бир ишлаб чиқарувчи, ҳар бир тадбиркор руҳиятида солиқ тўлаш нафақат зарурият ёки мажбурият сифатида, балки жамият, эл-юрт, Ватан олдидаги бурч даражасига кўтарилмоқда. Бундан ташқари, солиқ юкининг йилдан-йилга камайиб бораётганлиги, тадбиркорларнинг самарали иқтисодий фаолият учун давлат томонидан берилаётган имтиёзлардан унумли фойдаланилаётганликлари солиққа бўлган эътиборни оширмоқда.

Халқимизда «даромадга қараб буромад» деган нақл бор. Маълумки, бюджет тушумлари қай даражада юқори бўлса, унинг харажатлар йўналишлари ҳам шу даражада кенг қамровли бўлади. Буни харажатларнинг ярим йиллик ижроси таҳлилида яққол кўришимиз мумкин. Хусусан, ўтган давр мобайнида давлат бюджети харажатларининг 35,4 фоизи бевосита маориф ва соғлиқни сақлаш тизимлари учун ёки шундан 25,9 фоизи, яъни, 218,4 миллиард сўм таълим тизимини ривожлантиришга йўналтирилган. Биргина Наманган вилоятида таълим тармоқларини қуриш, мавжудларини таъмирлаш, уларни замонавий ўқув анжомлари билан таъминлашга 6 миллиард 358 миллион сўм маблағ ажратилганлиги бунга мисол бўла олади.

Бюджет ижросининг таҳлилини кузатар эканмиз, ҳукуматимиз, авваламбор, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ва турмуш фаровонлигини оширишга жиддий эътибор бераётганлигининг гувоҳи бўламиз. Чунончи, ижтимоий таъминот харажатлари ўтган йилга нисбатан 3,7 мартага, 2 ёшгача бўлган болалар парвариши учун тўланадиган нафақалар миқдори 1,13 мартага ошди. Умуман аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизими учун 66,0 миллиард сўм бюджет маблағи ўзлаштирилди.

Жамият ҳаётининг туб бурилиш паллаларида, иқтисодий ислоҳотлар авж олган дамларда ҳукуматимиз таълим муассасаси ходимлари, зиёлиларини ҳамиша ўз эътиборида тутади. Ҳар йили махсус фармонлар қабул қилиниб, ёшлар тарбиясига масъул бўлган муаллимларнинг ижтимоий ҳимоясига эътибор қаратилмоқда. Президентимизнинг «2002 йилнинг 1 сентябридан бошлаб, ўқитувчилар ва ўқув юртлари муаллимларининг, илмий ходимларнинг иш ҳақи миқдорини ошириш тўғрисида»ги шу йил 7 августдаги Фармонлари ўқитувчиларимиз ва олимларимизда миннатдорчилик туйғуларини уйғотди.

Юртбошимизнинг 1997 йилда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилинаётганида ўқитувчи ва мураббийларнинг ҳаётий талабларини қондириш, уларни рағбатлантириш, бу касб эгаларининг ўз иши, касбидан мамнун бўлишини таъминлаш зарурлиги ҳақидаги сўзлари ўз тасдиғи ва эътирофини топаётганлиги нафақат тажрибали муаллимларни, балки шу эзгу ишга энди қўл ураётган, устозликнинг машаққатли сирларини эгаллаётган ёшлар учун ҳам аҳамиятлидир. Зеро, меҳнатнинг рағбатлантирилиши муаллим, олимнинг масъулияти ошиши ҳам демакдир.

**Турсунбой ФАЙЗУЛЛАЕВ,**
**Олий Мажлис депутати,**
**Наманган давлат университети ректори.**



*Кузнинг илиқ кунларида...*

Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат.

Анжуман

# Инсонпарварлик фаоллашади

Ўзбекистон Қизил Ярим Ой Жамияти (ҚЯОЖи) республикада энг кекса инсонпарварлик жамиятларидан бири ҳисобланади. У Ватанимизнинг барча ҳудудларида фаолият кўрсатади ва давлатга ҳамда унинг соғлиқни сақлаш ва ижтимоий ёрдам идораларига ихтиёрий равишда ёрдам беради. Инсонпарварлик, раҳм-шафқат ва беғараз ёрдам, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг халқаро ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш, Қизил Хоч ва Қизил Ярим Ой ҳаракатининг олий мақсад ва қоидаларини рўёбга чиқариш — мазкур жамғарма фаолиятининг шиоридир.

Яқинда Ўзбекистон ҚЯОЖи Миллий кенгашининг раёсат йиғилиши бўлди. Унда Жамият Миллий кенгаши молиявий-хўжалик фаолиятининг бир ярим йиллик натижалари муҳокама қилинди. Жамият 2001 йилда 904,6 миллион сўмлик, 2002 йилнинг биринчи ярим йиллигида 261,4 миллион сўмлик пул маблағлари ва инсонпарварлик ёрдами олган. Уларнинг ҳаммаси Жамият Низомига мувофиқ инсонпарварлик ва хайрия мақсадларида сарфланди. 2001 йилда маблағ тўплаш режаси 98,2 фоизга бажарилди. Бироқ Бухоро, Қашқадарё, Андижон вилоят кенгашлари бу борада энг паст кўрсаткичларга (22-36 фоиз) эришдилар. Вилоят кенгашларида ажратилган маблағларни мақсадга мувофиқ ишлатмаслик, иш ҳақи фондини йиғилган маблағларнинг 40 фоизидан ошириб юбориш каби хатоликларга ҳам йўл қўйилган.

Йиғилишда Ўзбекистон ҚЯОЖи ташкилий-оммавий ишлар ва ахборот бўлимининг ёшлар ҳаракатини ривожлантириш бўйича олиб бораётган ишлари, Тошкент шаҳар ва Сирдарё вилоят Кенгашларининг иш тажрибалари, ҚЯОЖи Самарқанд, Навоий вилоят ташкилотларидаги комплекс текширув якунлари тўғрисидаги маърузалар ҳам тингланди.

Миллий кенгаш раёсати йиғилиши ишда ўзгариш қилишга қаратилган чора-тадбирлар режасини тасдиқлади.

**Ўз мухбиримиз.**

«ЎЗБЕКҚОҒОЗСАНОАТ»:

# МАҲСУЛОТ ҲАЖМИ, ТУРИ ВА СИФАТИ ОРТМОҚДА

*Ҳаётимизни қоғозсиз тасаввур қилиш мушкул. Кундалик турмушимизда қоғоз газета-журнал, китоб, пул, акция, вексел, лотерея, гувоҳнома, картон қути ва ҳоказо шаклида эҳтиёжимизга керак бўлади.*

*Қоғоз ишлаб чиқариш соҳасини тараққий эттириш фақат иқтисодий масала бўлибгина қолмай, муҳим сиёсий аҳамиятга ҳам эгадир.*

*Мустақиллик йилларида мазкур соҳани ривожлантириш учун қандай чора-тадбирлар кўрилаётир? “Ўзбекқоғозсаноат” уюшмаси бошқаруви раиси Маҳмуд УМАРОВ билан ЎзА мухбирининг суҳбати ана шу ҳақда бўлди.*

— Шўро тузуми даврида Ўрта Осиё минтақасида яккаю ягона корхона — 1932 йилда ташкил этилган Тошкент қоғоз фабрикаси ишлаб турган, холос, — дейди М.Умаров. — 1988 йилда эса “Промкартонторг” корхонаси ишга туширилди.

Истиқлол шарофати туфайли қоғоз маҳсулотлари тайёрлаш соҳасидаги ишларни маҳаллий шарт-шароитдан келиб чиққан, замон ва жаҳон талаблари даражасини инобатга олган ҳолда тубдан ислоҳ этиш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 20 июнда қабул қилган “Республика қоғоз саноатини бошқариш тузилмасини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида соҳадаги ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Мазкур қарорга мувофиқ, бундан бир йил муқаддам “Ўзбекқоғозсаноат” уюшмаси ташкил этилганди. Уюшма зиммасига мамлакатимиз иқтисодиёти ва аҳолининг целлюлоза-қоғоз маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини таъминлаш, қоғоз саноати корхоналарининг фаолият кўрсатиши, иқтисодий самарадорлигини ошириш, қоғоз ишлаб чиқаришни ривожлантириш, техника билан қайта жиҳозлаш ва замонавийлаштириш учун тармоққа хорижий инвестицияларни кенг жалб этишга қаратилган ғоят масъулиятли мақсад ва вазифалар юклатилди.

Президентимиз Ислом Каримовнинг Вазирлар Маҳкамаси 2002 йилнинг биринчи ярим йиллигида мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантириш юзасидан устувор вазифалар ва топшириқларнинг бажарилиши ҳамда долзарб муаммоларнинг ҳал этилишига бағишланган мажлисидаги маърузасида олдимизга қўйилган вазифалар фаолиятимизда муҳим дастуриламал бўлаётир.

Ҳисоб-китобларимиз бўйича, бугунги кунда мамлакатда қоғоз ва картон маҳсулотларига бўлган талаб 114 минг тоннани, целлюлозага эҳтиёж 36 минг тоннани ташкил этади. Ана шу эҳтиёжни қондириш учун йилига қарийб 48-50 минг тонна қоғоз ва картон маҳсулотлари четдан келтирилмоқда. Ушбу маълумотлар мамлакатимизда истеъмолчиларнинг ғоят салоҳиятли ва кенг кўламли бозори мавжудлигидан далолатдир. Бу эса, ўз навбатида, юртимизда қоғоз маҳсулотлари ишлаб чиқариш саноатини янада изчил ривожлантиришни тақозо этади.

Шу боис, 2002-2005 йилларда целлюлоза-қоғоз маҳсулотлари саноатини барқарорлаштириш ва ривожлантириш дастури ишлаб чиқилди. Шу давр мобайнида қоғоз ва қоғоз маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини салкам тўрт баравар ошириш кўзда тутилган.

**— Бу кўрсаткичга эришиш учун уюшма корхоналари ишлаб чиқариш қувватини янада ошириши талаб этилади, шундай эмасми?**

— Албатта. Шу мақсадда ўтган қисқа даврда, аввало, уюшманинг ташкилий тузилмасини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Ҳозир уюшмамиз таркибига “Саноатқалинқоғозсавдо”, “Ўзбек қоғози” очиқ акциядорлик жамиятлари, Янгийўл целлюлоза-қоғоз фабрикаси, “Наманган қоғоз” қўшма корхонаси каби йирик ишлаб чиқариш корхоналари киради. Шунингдек, жойларда иккиламчи хомашё ва макулатурани қайта ишлашга ихтисослашган 12 тайёрлов ташкилоти, 4 матбаа хизмати кўрсатиш корхонамиз бор.

Бугунги кунда уюшманинг биргина “Ўзбек қоғози” очиқ акциядорлик жамияти томонидан йилига 11 минг тонна қоғоз, 3,5 минг тонна картон, 7,5 миллион дона умумий ва 65 миллионта ўқув дафтари ишлаб чиқарилмоқда.

Қоғоз ишлаб чиқаришда пахта линтидан хомашё сифатида фойдаланиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зеро, ёғочдан 40-55 фоиз, пахта линтидан эса 85-88 фоиз целлюлоза олиш имконияти мавжудлиги фанда яхши маълум.

Шу боис йилига 20 минг тонна пахта целлюлозаси ва 12 минг тонна юқори сифатли ёзув қоғози ишлаб чиқариш имкониятига эга бўлган Янгийўл целлюлоза-қоғоз фабрикаси ишга туширилди. Бу ерда целлюлоза ишлаб чиқариш учун асосий хомашё — пахта линти ҳисобланади.

Янги корхоналар қуриш ва замонавий техника ҳамда технологияларни кенг жорий этиш баробарида, малакали кадрлар тайёрлаш масаласи ҳам доимий эътиборда турибди. Хусусан, ходимларимизнинг олий ўқув юртларида таҳсил олиши, илғор корхоналарда малака ва тажриба оширишига имкон қадар кўмаклашяпмиз.

(Давоми 4-бетда).

Маҳаллий кенгашларда

# Ислоҳот таянчлари

*Тахиатош шаҳри мамлакатимиз иқтисодиётида ўзига хос ўрин тутади. Шаҳарда жойлашган ГРЭС бутун қуйи Амударё воҳасини электр энергияси билан таъминлаб турибди. У мамлакат ягона энергетика тизимининг муҳим бўғинига айланмоқда. Бундан ташқари, шаҳарда қурилиш индустрияси, озиқ-овқат саноати ҳам ривожланиб бораяпти.*

Тахиатошда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, хориж сармояларини жалб этиш борасидаги саъй-ҳаракатлар ўзининг дастлабки меваларини бермоқда. Албатта, барча ислоҳотларнинг туб мағзи аҳоли фаровонлиги билан белгиланади. Шу маънода таҳлил қиладиган бўлсак, ўтган йилнинг биринчи чорагида шаҳар бўйича ўртача маош 18002 сўм бўлгани ҳолда жорий йилнинг биринчи чораги якунида 26766 сўмни ташкил этади. Ана шу чоракда Нукус шаҳрида жон бошига 14708 сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилган бўлса, Тахиатошда ушбу кўрсаткич 30280 сўмга етди. 2002 йилнинг 6 ойи давомида тахиатошликлар ҳаракатдаги баҳоларда 3886820 сўмлик ялпи маҳсулот ишлаб чиқардилар. Бу аввалги йилнинг шу даврига нисбатан 123,7 фоиз демакдир. Бу йил 23 кичик ва ўрта бизнес субъектлари, 101 нафар якка тартибдаги тадбиркор рўйхатга олинди. Шаҳардаги «Рамир» корхонаси сабзавотларни қуритиб экспортга чиқариш чораларини кўряпти. Тез кунлар ичида бу жамоа қўшма корхона мақомини олади. Шунингдек, Тахиатошда энергетика тармоғи учун ўта зарур бўлган вермикулит ишлаб чиқарадиган қўшма корхона тузиш мўлжалланмоқда.

Булардан кўринадики, энергетиклар шаҳрида барча соҳаларда ислоҳотлар чуқурлашяпти. Бу ўсиш-ўзгаришларнинг калити нимада?

Шаҳар ҳокими М. Жумабоев йил бошида ўз ҳузурига бир гуруҳ оқсоқоллар, ишлаб чиқариш илғорлари, депутатларни чорлаб ўзига хос йиғилиш ўтказди. Бу йиғинда 2001 йили, ундан олдинги даврда қўлга киритилган ютуқлар билан бирга йўл қўйилган камчиликлар, ислоҳотлар йўлидаги тўсиқлар ҳақида сўз юритилди. Айрим кўпни кўрган оқсоқоллар ҳоким ўз фаолиятини такомиллаштириши мумкин бўлган жиҳатларни ҳам яшириб ўтирмадилар. Бу мулоқот асосида 2002 йилнинг 24 январида халқ депутатлари Тахиатош шаҳар кенгашининг навбатдаги еттинчи сессияси чақирилди. Бу муҳокама қизғин, самимий, очиқ ўтди. Бюджет параметрлари, унинг ижроси илгари бунчалик қайноқ баҳсларга сабаб бўлмас эди. Мазкур масала, бошқа вазифалар юзасидан дангал таклифлар, тавсиялар ўртага ташланди. Шаҳар Кенгаши депутати Шаудирбой Салимбетов «Тахиатошни республикамизнинг энг гўзал, озода шаҳрига айлантирайлик», деган таклифни киритди. Бошқа шаҳар Кенгаши депутатлари уни қўллаб-қувватлашди. Шундан сўнг ҳар бир корхона, ҳар бир маҳаллада ишни тубдан яхшилаш жараёни бошланиб кетди. Шундай қилиб, депутатлар ҳамда маҳалла фаоллари Тахиатошда ислоҳотларнинг бош таянчи бўлишди.

Кейин ҳокимлик ислоҳотларнинг яна бир таянчи бўлган тадбиркорларни бир жойга тўплади. Уларни ўйлантираётган муаммолар очиқ-ойдин муҳокама қилинди. «Ўзсаноатқурилиш» банки шаҳар шохобчаси раҳбари О. Алжанов «Бизнинг эшигимиз ишбилармонлар учун ҳамиша очиқ», деди. Банк 434 хўжалик юритувчи субъект ва тадбиркорларга хизмат кўрсатади. Ўша йиғиндан сўнг шохобча 5 ой давомида тадбиркорларга 114 миллион 758 минг сўм кредит берди. Мисол учун «Эрлан» фирмасига сут маҳсулотларини қайта ишлашни йўлга қўйиш мақсадида 6 миллион сўм кредит берилган эди. Фирма «Ташаббус-2002» танловида Қорақалпоғистон Республикаси бўйича биринчи, мамлакат миқёсида эса совринли ўринни эгаллади.

Дарҳақиқат, Тахиатош тадбиркорлари кичик ва ўрта бизнесда тилга олса арзийдиган ютуқларни қўлга киритмоқдалар. «Тонг нури» корхонаси, якка тадбиркорлар Талғат Изтлеуов, Дейла Ибодуллаеваларнинг ибратли ишлари бунга мисол бўла олади.

Шаҳар ҳокимлиги ўз ишларида ёшларга таянмоқда. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг фаолияти ҳар томонлама қўллаб-қувватланяпти. Тахиатош спортчиларини бутун дунё билади. Бахтиёр Нуруллаев оғир атлетика бўйича мамлакат нуфузини юқори чўққиларга олиб чиқди. Бауржон Каздаев, Фозилбек Ўрозимбетовларни ким билмайди, дейсиз!

Яна бир омил — «Нуроний» жамғармаси ва унинг фаоллари Тахиатошдаги ислоҳотларга бош-қош бўлишмоқда. Ҳокимлик ўз навбатида мустақиллигимизнинг 11 йиллиги арафасида қарияларга ажойиб ҳордиқ масканини тортиқ қилди. Ҳозир бу ерда қўшни вилоятлардан келган отахонлар, онахонлар ҳам ўз саломатликларини тикламоқдалар.

**Янгибой ҚЎЧҚОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Журналист суриштируви

# ҒАТ-ҒАТ ҚИЛГАН КАРНАЙЧИ, БАЛОГА ҚОЛГАН-ЧИ?..

*Салкам тўққиз йилдирки, қачон шу ҳақда сўз очилса, водийлик тадбиркор Ўрмонжои Йўлдошевнинг аламига алам қўшилади. Расмиятчи тўраларнинг ношудлиги туфайли елга совурилган пулига, зое кетган меҳнатига, беҳуда ўтган умрига ачиниб, фиғони фалакка чиқади. Хўш, нега?!.*

1993 йил ёзининг охирги кунларида Андижонда хайрли бир ишга қўл урилади. «Вилоятсаноатсавдо» концернига қарашли шаҳар саноат комби»нати давлат тасарруфидан чиқарилади. Сўнгра анчадан буён шу ерда фаолият кўрсатиб келаётган “Ипак йўли” масъулияти чекланган жамиятига тажриба тариқасида хусусийлаштириб берилади. Корхона мол-мулки ўша давр нарх-навоси бўйича 12 миллион 871 минг Россия рублига баҳоланади. Жамият таъсисчилари — комбинат директори Ўрмонжон Йўлдошев, ишчи-хизматчилардан Саодатхон Иминова, Улуғбек Йўлдошев ва концерн ходими Мурод Салоҳиддинов белгиланган маблағнинг салкам тўртдан уч қисмини ўз сармоялари ҳисобидан тўлайдилар. Мулкдорга айланишгач, 112 кишига бош-қош бўлиб, жадал ишга киришадилар.

Бироқ, очиғини айтсак, янгиликни ҳаётга татбиқ этиш ҳар доим ҳам осон кечавермайди. “Ҳар тўкисда бир айб” деганларидек, баъзан шошма-шошарлик рўй бериши, ўртада тушунмовчиликлар юзага қалқиб чиқиши эҳтимолдан холи эмас. Ўшанда ҳам айни шу ҳолат такрорланади. Ҳужжатларни расмийлаштириш асносида бир қатор хато-камчиликларга йўл қўйилади. Чунончи, аввало, комбинат мулкини рўйхатга олувчи ва нархловчи комиссия фақат концерн ходимларидан иборат бўлиб қолади. Унинг таркибига Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, ҳокимият, жамоат ташкилотлари, банк, молия, маҳаллий кенгаш вакиллари киритилмайди. Концерннинг бошқа корхоналарини хусусийлаштириш ҳам деярли шу тарзда амалга оширилади. Иккинчидан, биласиз, хусусий корхона дахлсиз ҳисобланади. Четдан ҳеч ким унинг ишига аралашишга ҳақли эмас. “Ипак йўли” билан шартнома-битим тузишда эса, бу тартиб-қоида ҳам унутилади. Концернга хусусий корхона фаолиятини назорат қилиб бориш имтиёзи берилади. Мана шу янглиғ қусурлар туфайли “Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида”ги ҳамда “Мулк тўғрисида”ги қонунларнинг, мулклар қийматини нархлашга доир Низомнинг айрим модда ва бандлари талаблари бузилади.

Энг ажабланарлиси, Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг Андижон вилояти бўйича ҳудудий бошқармаси бошлиғи А.Раҳимов бу ҳолатларга унча эътибор қилмайди. Кўзини чирт юмиб, концерн комиссияси хулосаси ва тавсиясига қўшилади. Ўттиз биринчи августда саноат комбинатини масъулияти чекланган жамиятга айлантириш хусусидаги 289-сонли буйруққа имзо чекади. Ҳаял ўтмай, “Ипак йўли”га мулкий ҳуқуқни тасдиқловчи 1323-рақамли муваққат давлат ордери топширилади.

Энди ҳангоманинг бошқа томонини эшитинг. Худди ўша кезларда концерн қошида янги “Маҳаллий саноат” савдо уйи ташкил этилади. Табиийки, ўз-ўзидан унга жой топиш муаммоси туғилади. Шунда концерн раҳбари Одилжон Содиқов ғалати йўл тутади. Таъбир жоиз бўлса, «тайёрга айёр» қабилида иш юритади. Мавқеидан фойдаланиб, “Ипак йўли”нинг раиси Ўрмонжон Йўлдошевни ҳузурига чорлайди. Ундан МЧЖга ўтган клуб биносини ва ишлаб чиқариш майдонининг муайян қисмини савдо уйига ижарага бериб туришини сўрайди.

Начора, одамнинг юзи иссиқ. Қолаверса, аксариятимизнинг феъл-атворимизда ўзгаларга ҳиммат-саховат кўрсатишга мойиллик кучли. Шунданми, Ўрмонжон ака ҳам дафъатан “Йўқ!” дея олмайди. “Катта”нинг раъйини қайтаролмайди. Аммо вақти-соати келиб, ана шу яхшилиги эвазига ёмонлик кўради. Кўнгилчанлиги нақ бошига битган бало бўлади.

“Наҳотки?” дейсизми, унда эшитинг: “Маҳаллий саноат”чилар тузини еб, тузлиғига тупирадиганлар тоифасидан чиқиб қолишади. Аввалига ижара пулини, газ ва электр энергия ҳақини, солиқларни тўлашмайди. Устига устак, бировнинг омонатига зимдан кўз олайтиришади. Фойдаланиб турган жойларини, ҳе йўқ-бе йўқ, ўз номларига ўтказиб олишади. Фатво концерн бошлиғидан кетади.

Турган гап, Ўрмонжон ака бундан қаттиқ ранжийди. “Мол аччиғи —жон аччиғи” устида Одилжон Содиқовнинг қабулига киради. Сув бошидан лойқаланганини сезгач, вилоят ҳокимлигига боради. Барибир фойда чиқмайди. Концерн раҳбарияти лафзида турмайди. Аксинча, қандай бўлмасин, МЧЖ аъзоларининг танобини тортиб қўйишга чоғланади. Пировардида яхшигина баҳона ҳам топади. Хусусийлаштиришга доир нуқсонларнинг фақатгина саноат комбинатига тааллуқли қисмини қоғозга тушириб, ДМҚ ҳудудий бошқармасига йўллайди. Гўёки “Ипак йўли” ишончни оқламагани учун унга сотилган мулкни қайтариб олишда кўмак сўрайди.

Қарангки, бошқарманинг янги бошлиғи Неъматжон Акбаров ҳам масалага холис ёндашмайди. “Ҳов, биродар! Бу аслида сизу бизнинг ташкилотдан ўтган хато. Жабрини энди нима учун бошқалар тортиши керак? Ундан кўра вақт ғаниматида этагимизни ёпиб, камчилигимизни баҳамжиҳатликда тузатайлик. Барчани баробар кўриб, тадбиркорларга қўлимиздан келганича ёрдам берайлик. Уларни аро йўлда қолдирмайлик”, демайди. Бошқарманинг мазкур масала бўйича қайта текшириш ўтказган комиссияси хулосасига таянган ҳолда, 1994 йил 31 майда 783-сонли буйруққа қўл қўяди. Шунга мувофиқ, тўққиз ойча бурун “Ипак йўли”га тақдим этилган ордер бекор қилинади.

Шу зайлда бошқарма иккинчи бор қош қўйиш ўрнига кўз чиқаради. Бундай дейишимга асос бор. Давлат мулки қўмитаси Низомида уқтирилишича, ҳудудий бошқарма ўз буйруғини ўзи бекор қилиши мумкин эмас. Мабодо, зарурат туғилиб қолса, ўзи бўйсунувчи юқори ташкилотга бу ҳақда тавсия киритиши жоиз. Ёки ўзаро низо хўжалик судида ҳал этилиши даркор.

Кейинчалик шундоқ бўладиям. Можаро беш ой мобайнида вилоят хўжалик судида уч бор турли босқичларда ўрганилади. Ва ҳар сафар “Ипак йўли” ростданам собиқ комбинат мол-мулкини сотиб олгани, савдо уйи қарзини тўлаши шартлиги исботланади. Айни чоғда ДМҚ ҳудудий бошқармасининг 783-сонли буйруғи ноқонунийлиги сабабли бекор қилиниши лозимлиги таъкидланади. Таассуфки, бу борадаги ҳал қилув қарорларининг бирортаси ҳам бажарилмайди.

Ниҳоят, можаро республика миқёсига кўтарилади. 1995 йил 29 март куни Олий хўжалик судида жавобгар томоннинг арзи кўрилади. Бироқ жараёнга “Ипак йўли” вакиллари негадир чақирилмайдилар. Комбинатни хусусийлаштиришга корхона аҳли ўз ҳуқуқларидан моддий ночорлик туфайли воз кечганини исботловчи баённома ва тилхатлар асос бўлгани, МЧЖ таъсисчилари айнан шу жамоа аъзолари сирасидан эканликлари, ихтилоф туғилган пайтда ДМҚ ҳудудий бошқармаси ҳали муваққат ордерни бекор қилишга оид навбатдаги буйруғини чиқармагани инобатга олинмайди. Энг ажабланарлиси, суд ҳайъати низо мазмуни бўлмиш мулкка эгалик ҳуқуқини тиклаш ва ижара ҳақини ундириш тўғрисидаги даъво бир четда қолиб, асосий эътиборни хусусийлаштириш комиссияларининг хулосаларини текширишга қаратади. Ҳамма бало ушбу ишга масъул шахсларнинг дастлабки хатолари билан чамбарчас боғлиқлигига холис ва қонуний баҳо бермайди. Алқисса, қуйи суднинг савдо уйини зўравонларча эгаллаб олган жойидан кўчириш ва ундан ижара ҳақи ундириш ҳақидаги қарорларини рад этади. ДМҚ ҳудудий бошқармасининг 1995 йил 31 майдаги буйруғини ўз кучида қолдиради. Иншоотни хусусийлаштириш бўйича 1993 йил 30 августда тузилган тўрт томонлама шартнома-битимни ҳаққоний эмас, деб топади. Низоли бино ва қурилишлар саноат-савдо концерни ҳамда “Маҳаллий саноат” савдо уйига қарашли, деган тўхтамга келади. Тамом-вассалом! Ҳеч ким емаган сомсага ҳақ тўлаётган тадбиркорлар манфаатини ҳимоя қилмайди. Нуфузли суд қарори зудлик билан ижро этилади. “Ипак йўли” ишчи-хизматчилари маҳаллий ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари кўмагида кўчага қувиладилар.

Шу ўринда яна бир далилга эътибор қилинг: саноат-савдо концерни ва ДМҚ ҳудудий бошқармаси мутасаддиларининг зўр бериб таъкидлашларича, комбинат тажриба сифатида хусусийлаштирилган. Хўп, жуда яхши, жуда соз! Фақат битта савол: тажриба деганлари ҳеч жаҳонда бировнинг сармояси ҳисобидан ўтказиладими? Борингки, шундай бўлган тақдирдаям, ўша синов ўзини оқламаса ёки маълум сабабларга кўра тўхтатилса, харжланган маблағ эгасига қайтарилиши керакку?! Ахир, 8 миллион 159 минг рубль озмунча пул эмас. Таъсисчилар уни, ҳойнаҳой, кўчадан супуриб олишмаган. Керак бўлса, бола-чақалари ризқини қийиб, керак бўлса, оғилхоналаридаги чорваларини, тагларидаги машиналарини сотиб тўплашган. Эзгу ниятда қариндош-уруғларидан, таниш-билишларидан гардкамига қарз-ҳавола кўтаришган. Ана шундай бир вазиятда жавобгарларнинг хатти-ҳаракатларини қандай баҳолаш мумкин? Улар, эҳтимол, “Бели оғримаганнинг нон ейишини кўр” қабилида иш тутишгандир? Эҳтимол, “Бетимнинг қалини — жонимнинг ҳузури” деган ақидани ўзларига шиор қилиб олишгандир? Лекин адолат посбонлари — Олий хўжалик суди ҳайъати-чи? Нега бу ҳақда ўйламади? Нега тадбиркорларга қайишмади? Ҳудудий бошқарманинг кейинги буйруғини асосли деб топиш асносида нега даъвогарлар ҳақ-ҳуқуқини унутиб қўйди? Айбсиз айбдорларнинг пули қайтарилиши шартлигини нега эсламади?..

Вақтнинг югуриклигинию умрнинг тезкорлигини қаранг: ўшандан буён орадан, озмас-кўпмас, саккиз йил ўтди. Бу вақт давомида Ўрмонжон Йўлдошев нене маҳкамаларга арзиҳол битди. “Мен эл-юртга наф келтираман, деб ўз бошимга ўзим ғалва орттирибман. Энди ҳеч бўлмаса, пулимни ундириб олишимга ёрдамлашинглар, қарзларимдан қутулай”, дея нене остоналарга бош урди. Лекин ҳали-ҳануз мақсадига етмади. Ҳасратини бафуржа тинглайдиган, дардига малҳам бўладиган бирон-бир мард инсонни учратмади.

Ҳолбуки, корхона хусусийлаштирилгач, бу ерда кескин ўзгаришлар рўй берганди. Катта маблағ эвазига қўшимча иморатлар қурилиб, янги дастгоҳлар келтирилганди. Қўлда атлас тўқиш, тикувчилик, трикотаж кийим-кечаклар ишлаб чиқариш ва пиллани чувиш-йигириш цехлари очилганди. Иш ўринлари 112 тадан 300 тага етказилганди. Демак, мулк шакли ўзгаргач, “Ипак йўли” эл-улус корига яраётган, жамиятга фойда келтираётганди. Корхона ундан тортиб олиниб, такроран давлат ихтиёрига ўтказилганидан кейин-чи?.. Бир йил ишлар-ишламас ёпилди. Одамлар бекор қолишди. Ускуналар сотиб юборилди. Хомашёлар, тайёр маҳсулотлар талон-торож қилинди. Охир-оқибат Ўрмонжон Йўлдошев ва ҳамкорларининг комбинат мол-мулкини сотиб олиш учун тўлаган пуллари ҳам, бунёдкорлик йўлида тўккан ҳалол пешона терлари ҳам, дастгоҳлару хомашёлар харид қилиш учун сарфлаган маблағлари ҳам ҳавога совурилди. Улар кўрган маънавий зарар, улар чеккан ортиқча ташвиш-изтироблар ҳақида-ку гапирмасак ҳам бўлади.

Такрор айтаман, бу билан мен қонуншунослар ишига аралашмоқчи эмасман. Фақат тайин бир ҳақиқатни эслатмоқчиман: комбинатни хусусийлаштиришдаги хатоларнинг “Ипак йўли” МЧЖга сираям дахли йўқ. Давлат мулки қўмитаси эса, ўз вазифасига кўра, тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга ҳам масъул ташкилот ҳисобланади. Бас, шундай экан, ҳудудий бошқармадагилар комбинатни давлат ҳисобидан чиқараётганларида қаёққа қарашди? Ҳужжатлар расолигини нега синчиклаб текширишмади? Концерндагилар-чи? Ғат-ғат қилган карнайчи бўлади-ю, сурнайчи балога қолаверадими?!

Ваҳоланки, эндиликда сув келтирган хор-зор, кўза синдирган азиз бўладиган замонлар ўтиб кетган. Лекин уни тушунмайдиганлар, ҳамон эскича фикрлаб, эскича иш юритадиганлар, қонунларни ўз манфаатига мослаштиришга интиладиганлар учраб турибди. Юртбошимиз худди шуни назарда тутиб, Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил биринчи ярми якунларига бағишланган йиғилишида бир гапни алоҳида уқтириб ўтди. “Афсуски, амалдаги баъзи ҳуқуқий ҳужжатларимиз турлича талқин қилиниши мумкин. Бу эса айрим идоралар ва маҳаллий ҳокимият органлари томонидан тадбиркорларнинг манфаатларига зиён етказувчи ҳужжат ва қарорлар қабул қилинишига йўл очиб бермоқда”, деб эслатди. Адашмасам, “Ипак йўли” билан боғлиқ воқеа бу фикрга ёрқин мисол бўла олади. У ўз вазифасига лоқайдлик, “Бор отангга, бор онангга” қабилидаги сансалорлик, ишбилармонлар ҳақ-ҳуқуқларини менсимаслик оқибатида келиб чиққанди. Буни ҳамма билади, ҳамма тушунади. Фақат хатони тузатишга бош қўшадиган, адолатни рўёбга чиқаришда Ўрмонжон Йўлдошевга сидқидилдан ёрдамлашадиган ташкилот-идора топилмаётир. Таскин-тасалли шулки, ҳали ҳам кеч эмас. Ҳақиқат чала бўлмаслиги керак. Эҳтимол, бу сафар “Ипак йўли” таъсисчиларининг орзу-умидлари ушалар. Тўққиз йиллик низо ижобий якун топар. Жилла қурса, тадбиркорларнинг пуллари ўзларига қайтариб берилар. Биз бу борада Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасидан, республика Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасидан, қолаверса, тегишли ҳуқуқ-тартибот идораларидан масалага ойдинлик киритувчи жавоб кутамиз.

**Абдунаби ҲАЙДАРОВ,**
**“Халқ сўзи” мухбири.**




Молия муассасаларида

# «Тадбиркорбанк» —

«Ўзтадбиркорбанк»нинг Самарқанд вилояти бошқармасининг туманларда 7 та бўлими мавжуд. Уларда 4800 дан ортиқ мижозга хизмат кўрсатилмоқда. Мижозларнинг 510 дан ошиғи эса банк кредитларидан мунтазам фойдаланиб келади.

Жорий йилнинг ўтган олти ойида 1 млрд. 10 млн. 536 минг сўмлик кредит қўйилмалари амалга оширилди. Унинг 469 млн. 121 минг сўми бюджетдан ташқари жамғармалар, «Бизнес-фонд», Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси, Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси маблағларига тўғри келса, 541 млн. 415,4 минг сўм эса банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан ажратилди. Кредитнинг энг кўп қисми, яъни 21,1 фоизи қишлоқ хўжалигига, 14,8 фоизи саноат, 13 фоизи савдо ва воситачиликни ривожлантириш, айланма маблағларни тўлдириш мақсадлари учун йўналтирилди. Кичик ва ўрта бизнес субъектларида банк кредитлари ҳисобига 655 та иш ўринлари яратилгани, 80 млн. 187 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилгани ва аҳолига хизмат кўрсатиш даражасининг яхшиланганлиги ҳам албатта, қувонарлидир.



Ажратилган маблағларнинг 344,2 млн. сўми ёки 62,7 фоизи қисқа муддатли, 201,3 млн. сўми ёки 36,7 фоизи ўрта муддатли, 3,4 млн. сўм ёки бир фоизи узоқ муддатли кредитлардир.

Ана шу кредитлар шарофати туфайли кўплаб тадбиркорлар молиявий фаолиятларини яхшилаб боришаяпти. Масалан, «Самарқанд ТКЦ газ» корхонаси «Бизнес фонд» маблағлари ҳисобидан олинган кредитдан самарали фойдаланди. Корхона автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчасини қуриб ишга туширди. Энди банк хазинасига доимий равишда нақд пул туша бошлади. «Хумор» масъулияти чекланган жамиятига ҳам кредит ажратилган бўлиб, корхона қисқа муддат ичида чинни буюмлар ишлаб чиқарадиган цех барпо этди. Бугун бу ерда сифатли маҳсулотлар тайёрланяпти. Шунингдек, «Бинафша» корхонасига банк ўз маблағлари ҳисобидан дўкон қуриш мақсадида кредит ажратганди. Айни пайтда мазкур савдо шохобчаси аҳолига хизмат кўрсатмоқда.

Ажратилган маблағлардан мижозлар ҳамиша ҳам ўринли фойдаланяптими? Кредитлар

## «ЎЗБЕКҚОҒОЗСАНОАТ»:

# МАҲСУЛОТ ҲАЖМИ, ТУРИ ВА СИФАТИ ОРТМОҚДА

(Давоми. Боши 2-бетда).

Шу жиҳатдан, яқинда Тошкент Тўқимачилик ва енгил саноат институти муҳандислик-иқтисодиёт ва кимё-технология факультетининг "Кимёвий технология ва толали материаллар ҳамда қоғоз дизайни" кафедрасида қоғоз технологияси ихтисослиги бўйича мутахассислар тайёрлаш йўлга қўйилгани айни муддао бўлди.

**— Истиқболда қоғоз маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини янада ошириш, уларнинг турини кўпайтириш, сифатини эса жаҳон андозалари даражасига етказиш борасида қандай ишлар амалга оширилмоқда?**

— Ҳозирги пайтда уюшмамиз корхоналарида ишлаб чиқарилаётган турли русумдаги ёзув қоғозлари, целлюлоза, муқова, картон, гофрокартон, толали плиталар, идора буюмлари каби истеъмол учун мўлжалланган кўплан-кўп маҳсулотларимиз бажонидил харид қилинаётир.

Келгусида корхоналаримизнинг ишлаб чиқариш қувватини янада ошира бориш, маҳсулотларимиз турини кўпайтириш, сифатини яхшилаш бош мақсадимиздир. Соҳада хусусийлаштириш ишларини давом эттириш, корхоналаримиз акцияларининг муайян қисмини чет эл сармоядорларига сотиш, ишлаб чиқаришга хорижий сармояларни кенг жалб қилиш, ўрта ва кичик бизнесни ривожлантиришга қаратилган талай чора-тадбирлар режалаштирилган. Бу борада янги, замонавий корхоналар, шу жумладан, қўшма корхоналар ташкил этишни ҳам мўлжаллаяпмиз.

Мисол тариқасида Ангрен шаҳридаги "Саноатқалинқоғозсавдо" акциядорлик жамиятида амалга оширилаётган янгиланишлар хусусида тўхталиш мумкин. Турли қутилар ва муқовалар учун картонлар, толали плиталар ишлаб чиқаришга ихтисослашган мазкур корхона замонавий дастгоҳ ва ускуналар билан жиҳозлангани, малакали мутахассислар билан тўла таъминланганини боис хорижлик ҳамкорларимизнинг назарига тушди.

Яқин кунларда бу ерда Швейцариянинг "Миллер Трайдинг ГМБХ" компанияси сармояси ҳисобига сифати жаҳон андозалари талабига тўла жавоб берадиган бир неча турдаги қоғоз маҳсулотлари, жумладан, хўжалик қоғози ва салфеткалар ишлаб чиқаришга киришилади.

Соҳа корхоналари ишлаб чиқараётган халқ истеъмоли моллари савдосини кенгайтириш йўлида шу йилнинг ўзида жойларда тўққизта махсус дўкон, Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида эса савдо уйлари очилди. Хорижга маҳсулот чиқариш миқёси ортмоқда.

Бунда, табиийки, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни ички ва ташқи бозорда кенг реклама қилиш муҳим аҳамият касб этади. Бу борада Юртбошимиз Вазирлар Маҳкамасининг биринчи ярим йиллик якунларига бағишланган йиғилишида билдирган танқидий мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда барча ишларимиз янгидан йўлга қўйилмоқда.

**ЎзА мухбири**
**Ғулом МИРЗО.**


# АҲОЛИ ВА ТАДБИРКОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

## «ЎЗКЎРГАЗМАСАВДО» МАЖМУАСИДА

**Шу йилнинг 13 сентябридан бошлаб**

республика саноат корхоналарида ишлаб чиқарилган юқори сифатли истеъмол молларининг доимий кўргазма савдоси ўз фаолиятини бошлайди.



Ушбу кўргазмага ташриф буюриб, зарур озиқ-овқат маҳсулотлари ва истеъмол молларини улгуржи ва чакана савдо орқали харид қилишингиз мумкин.

**Кўргазма савдога марҳамат!**

Манзил: метронинг «Беруний» бекати (собиқ «Алпомиш» спорт саройи).

# тадбиркорлар ҳамкори



тадбиркорлар томонидан аниқ мақсадларга йўналтирилаяптими? Бу борада ютуқлар билан бирга, афсуски, салбий ҳолатлар ҳам кўзга ташланади. Шартнома шартларига мувофиқ берилган маблағларнинг самарасиз ишлатилиши, фоиз тўловлари ва асосий қарзнинг ўз вақтида қайтарилмаслиги банкнинг молиявий ҳолатига, иқтисодий кўрсаткичларига албатта, салбий таъсир кўрсатади. Мисол учун, «Дул-дул» фермер хўжалигига чорвачиликни ривожлантириш мақсадида 34 млн. миқдорида маблағ ажратилган эди. Аммо кредит ҳисобига амалга оширилиши режалаштирилган ишлар бажарилмади. Натижада олинган маблағ ва унинг фоиз тўловлари ўз вақтида тўланмаётир. «Қадрият» хусусий фирмасига эса чорвачиликни ривожлантириш учун 7 миллион сўм кредит берилган эди. Бу ерда ҳам белгиланган режалар амалга оширилмади. Оқибатда, асосий қарз ва фоизлар тўланмади.

Вазирлар Маҳкамасининг «Кичик корхоналар, деҳқон ва фермер хўжаликларини маблағ билан таъминлаш, моддий-техник таъминлаш, уларга божхона имтиёзларини бериш, банк хизматлари ва бошқа хизматлар кўрсатиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори асосида шу йилнинг биринчи ярим йиллигида вилоят бўйича 33 та мижозга, уларни бошланғич сармоя билан таъминлаш учун 31 млн. 280 минг сўм кредит ажратилди. Уларнинг аксарияти деҳқон ва фермер хўжаликлари ҳамда ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш билан шуғулланувчи кичик корхона ва ташкилотлардир.

Молиявий муассаса малакали кадрлар тайёрлаш ишига ҳам ўз улушини қўшиб келмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан, 34 нафар талабага 7,7 млн. сўм миқдорида таълим кредитлари ажратилди. Аҳоли қўлидаги бўш маблағларни омонатларга жалб қилиш борасида ҳам фаол иш олиб борилмоқда. «Тадбиркор», «Соғлом авлод», «Болажон», «Хирмон», «Нуроний» сингари мақсадли омонатлар, айниқса, мижозларга маъқул бўлмоқда.

Далиллардан ҳам кўриниб турибдики, банкнинг вилоят бошқармаси зиммасидаги вазифаларни тўла уддаламоқда, мижозлар ишончини оқламоқда. Бу, албатта, молиявий муассасанинг янада ривожланиши учун мустаҳкам замин яратаётир.

**Абдурасул САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АҲОЛИСИ ДИҚҚАТИГА!

**«Ўзбекистон почтаси» давлат-акциядорлик компанияси почта алоқаси хизматидан фойдаланувчиларга шуни маълум қиладики, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг буйруғига асосан 2002 йил 1 ноябрдан муомалага янги стандартдаги почта конвертлари киритилади.**

*Янги стандартдаги почта конвертлари бўйича маълумотларни ҳар бир почта алоқаси бўлимида ёки қуйидаги телефонлар орқали олиш мумкин: 133-70-30, 133-57-47, 133-64-32.*

**Белгиланган стандартга тўғри келмайдиган почта конвертларига солинган хатлар 2002 йил 1 ноябрдан бошлаб жўнатиш учун қабул қилинмайди ва жўнатувчига қайтариб берилади.**

6297/1902

*Ўзбекистон Бадиий академияси*

## САНЪАТШУНОСЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

**қуйидаги ихтисосликлар бўйича 2002 йил учун аспирантура ва докторантурага қабул эълон қилади.**

**АСПИРАНТУРА:**

**Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиш учун:**

*17.00.01 — театр санъати (кундузги бўлим);*
*17.00.02 — мусиқа санъати (кундузги бўлим);*
*17.00.04 — тасвирий ва амалий безак санъати (кундузги бўлим).*

**ДОКТОРАНТУРА:**

**Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиш учун:**

*17.00.01 — театр санъати (кундузги бўлим).*

*Ҳужжатлар шу йилнинг 15 октябригача қабул қилинади.*

**Маълумот учун телефонлар: 139-46-67, 139-46-77.**

**Манзил: 700029, Тошкент ш., Мустақиллик майдони, 2.**

accels

**2003 йил учун олий ўқув юртлари ёш ўқитувчилари малакасини ошириш дастури**

АҚШ Давлат департаментининг таълим ва маданият ишлари бюроси ва Америка халқаро таълим кенгаши: АСТР/АКСЕЛС 2003 йил учун олий ўқув юртлари ёш ўқитувчилари малакасини ошириш дастурини мамнуният билан эълон қилади. Бу дастур малакали университет ўқитувчиларига Американинг коллеж ёки университетида ўқитиш методи ва ўқув режасини ривожлантириш бўйича тренинг ўтиш имконини беради.

*Анкеталар қуйидаги йўналишлар бўйича қабул қилинади:*

| | | |
|---|---|---|
| Бизнес бошқаруви | Иқтисодиёт | Таълим бошқаруви |
| Атроф-муҳитни ўрганиш | Журналистика | Ҳуқуқшунослик |
| Кутубхонашунослик | Сиёсатшунослик | Психология |
| Оммавий сиёсат | Оммавий бошқариш | Социология |
| Маданий антропология | Тарих | Лингвистика |
| Фалсафа | Адабиёт | Америкашунослик |
| Санъат бошқаруви | Архитектура ва шаҳар режалаштириш | |

**Иштирокчи учун талаблар:**

- *Ўзбекистон фуқароси бўлиши;*
- *бакалавр, магистр ёки фан номзоди даражасига эга бўлиши;*
- *ҳозирда олий ўқув юртида ўқитувчи бўлиб ишлаши;*
- *анкета топшириш вақтида камида икки йиллик ўқитувчилик тажрибасига эга бўлиши;*
- *анкета топшириш вақтида оғзаки ва ёзма инглиз тилини мукаммал билиши;*
- *АҚШда ўқув алмашув дастурини 2003 йилнинг август ойида бошлай олиши;*
- *АҚШнинг J-1 визасини олиш талабига жавоб берадиган шахслар.*

***Анкетадаги барча формалар тўлдирилиб, қуйида кўрсатилган офислардан бирига 2002 йилнинг 6 декабригача топширилиши лозим.***

***Бу дастур иштирокчини ирқи, миллати, танасининг ранги, дини, жинси, ногиронлиги асосида ажратмайди.***

**Анкета ва маълумот олиш учун телефон рақамлари:**

**АКСЕЛС Тошкент: (371) 152-12-81/6; 152-24-07, АКСЕЛС Нукус: (36122) 2-89-57, АКСЕЛС Наманган: (36922) 6-27-50, АКСЕЛС Самарқанд: (3662) 31-18-16, АКСЕЛС Бухоро: (36522) 4-22-46.**

*Анкеталарни **www.actr.org** Интернетдаги саҳифамиздан ҳам олишингиз мумкин.*

6326-1/1989

accels

**“Эдмунд С. Маски номидаги стипендия/Озодликни қўллаб-қувватлаш” дастури**
**Олий ўқув юртларини битирганлар ва дипломли мутахассислар учун АҚШ магистратураларида ўқиш имконияти - 2003**

АҚШ ахборот агентлиги ва Халқаро таълим бўйича Америка кенгаши 2003/2004 ўқув йили учун «Эдмунд С. Маски номидаги стипендия/Озодликни қўллаб-қувватлаш» дастурини эълон қилади. Ушбу дастурда МДҲ фуқароларига АҚШда бир ёки икки йил ўқиш имконияти тақдим этилади.

*Ўқиш соҳалари:* **бизнесни бошқариш, таълимни бошқариш, атроф-муҳитни муҳофаза қилишни бошқариш, иқтисодиёт, таълимни бошқариш, халқаро муносабатлар, журналистика, ҳуқуқ, кутубхона ва ахборот фаолияти, давлат ва жамият бошқаруви, соғлиқни сақлашни бошқариш ва ижтимоий сиёсат.**

**Дастурда**

- *Ўзбекистон фуқароси бўлган;*
- *ариза бериш жараёнида ёши 40дан ошмаган;*
- *ҳужжатлар берилиши ва танлов жараёни олиб борилиши вақтида 15 қатнашчи давлатлардан бирида яшаётган;*
- *олий маълумотга эга ёки 2002 йилнинг июль ойигача бакалаврликни битирган талабалар. Ҳуқуқ ихтисоси бўйича мурожаат этиш учун қатнашчининг ҳуқуқдан дипломи бўлиши шарт;*
- *ҳужжатларни топшириш пайтида ёзма ва оғзаки инглиз тилини бемалол биладиган;*
- *ихтисос соҳасида мутахассислик қобилияти ва пешқадам салоҳиятини намойиш эта оладиган;*
- *ўқишни 2003 йил ёзидан бошлашга тайёр бўлган шахслар. Финал босқичга ўтганлар ўқиш бошланишини кечиктириш ҳуқуқига эга эмаслар;*
- *АҚШда ўқиш учун бериладиган J-1 визасини олган барча кишилар;*
- *дастурни тугатгандан кейин ўз ватанига қайтишни режалаштирганлар қатнашишлари мумкин.*

***«Эдмунд С. Маски/Озодликни қўллаб-қувватлаш» дастурида қатнашчилар ирқи, танасининг ранги, жинси, этник келиб чиқиши, жисмоний аҳволи ва ногиронлик белгиларига кўра фарқланилмайди.***

***Тўлдирилган мурожаатномалар барча керакли ҳужжатлар билан бирга 2002 йил 25 октябрга қадар қуйидаги офислардан бирига топширилиши лозим.***

**Қўшимча ахборотни қуйида кўрсатилган маслаҳат маркази ва офисларда олиш мумкин:**

**Тошкент ш.: (371) 152-12-81(86), Самарқанд ш.: (3662) 35-02-74, Нукус ш.: (361) 222-89-57, Наманган ш.: (36922) 6-27-50, Бухоро ш.: (36522) 4-22-46.**

6326-2/1989

**«ХАЛҚ СЎЗИ»га эълонлар қабул қилинади.**
9.00 дан 18.00 гача
Тел. факс: 136-09-25, 132-10-63
256 - хона

## «MAKSIMA» мебель салони

Италия, Испания, Польшадан келтирилган мебеллар, ёритгичлар, қандиллар, расмлар ва кўрпа-ёстиқ анжомларини таклиф этади.

**«MAKSIMA» АРТ-дизайн студияси**

хонадонингиз, ҳовлингиз, ландшафт дизайнини якка тартибда ишлаб беради.
Каталог бўйича буюртмангиз етказиб берилади.

*Ўзбекистон бўйича етказиб ва йиғиб бериш — БЕПУЛ.*

*Тушликсиз ва дам олиш кунисиз ишлаймиз.*

*Манзилимиз:*
*Кунаев кўчаси, 46-уй.*
*Телефонлар: 111-14-44, 152-75-94.*
*E-mail: maxima@online.ru*

HOTEL KOREANA · Нукус кўчаси · Миробод бозори · Д. Кунаев кўчаси · АВИА БАНК · МАКСИМА салони

5292/1950

*Раҳбарлар диққатига !*

*«Ўзбекэкспертиза» ХҲБ қошидаги*
*«Sifatli Hayot Talabdorlari — SHT»*
*ўқув-сертификация маркази*
**«СИФАТ ТИЗИМЛАРИНИ БОШҚАРИШ МЕНЕЖЕРИ»**
*мутахассислиги бўйича ўқув курсини ташкил этади.*

Ўқитишдан мақсад — ИСО 9001 халқаро стандарти 2000 йил талқини бўйича сифат тизимини ишлаб чиқиш ва татбиқ этишни бошқара олувчи сифат бўйича менежерларни тайёрлаш.

*Курслар «Радуга» оромгоҳида гуруҳ жамланишига қараб ўтказилади.*

Саволлар билан қуйидаги телефонларга мурожаат қилишингиз мумкин: 136-71-22, 136-71-25, 110-87-25.

**«ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ» ДАТК**

## "Lok Kolor Sintez" QK

**ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ КОРХОНА**

Лак-бўёқ маҳсулотлари таклиф этади:

Тўлов - пул ўтказиш йўли билан.

**Қурилиш эҳтиёжлари учун:**

- уй ичларини бўяш учун акрил вододисперсион бўёқлари;
- ташқи деворлар учун бўёқлар;
- том учун бўёқлар;
- алкид ва акрилат эмаллари;
- полларни бўяш учун бўёқлар;
- ёғоч ва бўялган юзаларни қоплаш учун лаклар;
- грунтовка ва шпатлевкалар;
- L 80,100,120мм.ли михлар;
- эмульсиявий,силикатли елим.

**Саноат эҳтиёжлари учун:**

- универсал алкид бўёқлари;
- том учун бўёқлар;
- алкид-уретан эмаллари;
- акрилат эмаллари;
- грунтовка ва шпатлевкалар.

Сифатли хорижий хомашёдан тайёрланган, конструкцияларни қўлда ёйсимон пайвандлаш учун мўлжалланган

*МР-3 русумли*
**ЭЛЕКТРОДЛАР**

**Ўзи ишлаб чиқарган тикувчилик маҳсулотлари**

**ИШ КИЙИМЛАРИ:**

- узун енгли эркаклар иш костюми;
- калта енгли эркаклар иш костюми;
- эркаклар ярим комбинезони;
- аёллар ярим комбинезони;
- аёллар иш бермудалари;
- аёллар иш фартуклари;
- эркаклар учун иссиқ иш курткалари;
- йўл хизмати ходимлари жилети;
- аёллар тиббий халати;
- эркаклар тиббий халати;
- эркаклар иш халати;
- ошпазлар курткаси;
- ошпазлар бош кийими;
- ички кийимлар;
- қўлқоплар,

шунингдек, мижозлар буюртмасига кўра, бошқа махсус кийимлар.

**Кўрпа-ёстиқ буюмлари:**

- кўрпа жилдлари;
- чойшаблар;
- турли ўлчам ва рангли ёстиқ жилдлари;

*шунингдек:*

- дастурхонлар;
- дастурхон ва 6 та ип газламали салфетка;
- ип газламали салфетка;
- 85х50 ўлчамдаги сочиқлар.

**Тошкент ш., «Фарғона йўли» к., 13/22. Телефонлар: (998-71) 191-47-41, 191-80-94. Факс (998-71) 191-74-63. E-mail: lokcolor@online.ru Web site: UZBEKISTON.h1.ru**

5300/138

accels

U.S.-Uzbekistan Awards for Excellence in Teaching

# “Ўқитишдаги аълочилик мукофоти” дастури

## *Инглиз тили ўқитувчилари диққатига!*

**Агар сиз**

**... 2003 йилнинг ёзида АҚШнинг диққатга сазовор жойларига ташриф буюриш, америкалик ўқитувчилар билан учрашиш, инглиз тилингизни такомиллаштириш, компьютерда ишлашни мукаммал ўрганиш, АҚШ тўғрисида ва унинг ўқитиш методикалари билан танишиш имкониятини берадиган 7 ҳафталик малака ошириш семинарида қатнашишни ...**

**... Синфингиз ва мактабингиз учун мукофот (компьютер, принтер, ксерокс машинаси, аудиомагнитофон, инглиз тили дарсликлари, кассеталар, луғатлар ва ҳоказо) ютиб олишни ...**

**... Республикада энг яхши инглиз тили ўқитувчиларидан бири бўлишни истасангиз,**

у ҳолда АКСЕЛСнинг қуйидаги шаҳарларда жойлашган офисларидан анкета олиб, тезда тўлдиришингиз ва **2002 йил 16 декабргача** топширишингиз керак.



**АКСЕЛС, 700031, Тошкент ш., Конституция кўчаси, 68-уй.**
**Телефонлар:(371) 152-12-81, 152-12-86, 152-33-84, 152-24-07.**
**accels@actr.bcc.com.uz**

- **742000, Нукус ш., Сараев кўчаси, 1-уй, 2-қават. Телефонлар: (361) 222-89-57, 222-88-67. accels@actrnuk.bcc.com.uz**
- **705018, Бухоро ш., Эшоний Пир кўчаси, 2-уй. Телефон: (36522) 4-22-46. accels@bukhara.silk.org**
- **703000, Самарқанд ш., Университет кўчаси, 15-уй, СамДУ, 11-хона. Телефонлар: (3662) 31-18-16, 31-22-08. accels@actrsam.bcc.com.uz**
- **716000, Наманган ш., А. Хўжаев кўчаси, 54-уй, Наманган давлат университети. Телефон: (36922) 6-27-50. accels@actrnam.bcc.com.uz**

**Қатнашиш шартлари:**

- *инглиз тили ёки АҚШ мамлакатшунослиги ўқитувчиси бўлиш;*
- *ҳозирги пайтда ўрта мактаб, лицей ёки гимназияда дарс бераётган бўлиш;*
- *кейинги икки ўқув йили давомида мактабда ишлаш ниятига эга бўлиш;*
- *камида 3 йиллик ўқитиш тажрибасига эга бўлиш;*
- *сўнгги беш йил ичида Америка ҳукумати томонидан ҳомийлик қилинган дастурларда қатнашиб, АҚШда 1 ойдан кўпроқ яшаган бўлмаслиги.*

***Ушбу дастурга АҚШ давлат департаменти ҳомийлик қилади.***

## Офтоблари бор Ватан

*Сан манимсан, бизимсан,*
*Энг ёруғ юлдузимсан.*
*Мозий билан тиллашган*
*Ўқ томир — илдизимсан.*
*Қўлимдаги тор, Ватан,*
*Дилимдаги ёр Ватан!*

*Кўнглим тўла ифтихор,*
*Сендан ўзга кимим бор?!*
*Тупроғингни зар қилган,*
*Юраги сим-симим бор.*
*Фарзандлари сор Ватан,*
*Кўкси тоғ Ойқор Ватан!*

*Сендан тонган тош бўлсин,*
*Кўзларида ёш бўлсин.*
*Ғарибликда бир умр,*
*Бардоши талош бўлсин.*

*Қатордаги Нор Ватан,*
*Ўзинг сарбадор, Ватан!*

*Бағринг тарихдир қадим,*
*Қуёш — зар тилло қатим.*
*Юрагимнинг баёти,*
*Келажакка дастхатим.*



*Ўзинг номус, ор, Ватан,*
*Ҳам суюк дилдор Ватан!*

*Оқаради тонг юзи,*
*Чўлда чўпоннинг изи.*
*Қиқирлаб кулиб келар,*
*Қирдан қизғалдоқ қизи.*
*Офтоблари бор Ватан,*
*Бир парирухсор Ватан!*

*Илинжим шул ўзимга,*
*Халқим — қора кўзимга.*
*Бизлардан озод Ватан*
*Қолсин ўғил-қизимга.*
*Қомати чинор Ватан,*
*Бир умр пойдор Ватан!*

**Исматулло ЙЎЛДОШЕВ.**

Ҳажвия

## Биз космосда яшаймиз

Шу кўп қаватли уйю «лифт» деган дардисарни ким ўйлаб топди, экан-а? Агар билганимда борми, шартта ёқасидан ушлаб, тўққизинчи қаватдан улоқтириб юборган бўлардим.

Каминага осмонўпар биноларнинг нақ тўққизинчи қаватидан жой теккан. Янги уйга кўчиб келган пайтларимизда, лифт балодай ишлар, тугмачасини боссанг бас, «лип» эткизиб бир зумда истаган қаватингга чиқариб қўярди. Ўшанда ўша лифтнинг ижодкорига қанчадан-қанча ҳамду сано айтганман.

Мана бир йилдан ошаяптики, подъездимиздаги лифт мутлақо ишламайди. Айтишларича, кечаси кимлардир керакли жойларини ечиб — «шумо» қилиб кетишибди. Қўни-қўшнилар тўпланиб, пул йиғиб, ўша матоҳни сотиб олмоқчи ҳам бўлдик. Аммо, тўртинчи қаватгача яшайдиганлар: «Бизга лифт керак эмас. Ўзимиз пиёда тушиб чиқаверамиз. Кимга керак бўлса олаверсин» дейишиб, бош қўшишмади. Шу-шу, ташаббус юлдуз кўрмай жон берди. Ишдан қайтгач бир амаллаб, дам олиб-дам олиб, уйга чиқиб оламанда, ўзимни диванга ташлайман. Анча пайтгача ўзимга келолмайман. Охирги пайтда худди боғча болаларидай шанба ва якшанба кунларини орзиқиб кутадиган бўлиб қолдим. Чунки, жума куни кечқурун 2-3 кунга етадиган нон-пон, озиқ-овқатни запас қилиб оламан. Боғчага қатнайдиган иккита болагаям уйда хотин қарайдиган бўлди. Бир томони ҳозирги шароитда буям керак.

Аммо, сизга айтсам, лифт ишламаслигининг афзаллик томонлариям йўқ эмас экан. Илгари таниш-билиш, дўсту биродарлар, қишлоқдан турли баҳоналар билан оғайнилар тез-тез келиб туришарди. Мана, анчадан бери қулоқ тинч. Ташвишдан қутулганмиз. Барининг қадами тинган. Айниқса хотинбой хурсанд. «Ишламаганиям маъқул», деб қўяди ҳар замонда. Баъзан туриб-туриб болаларимга ачиниб кетаман. Гўдак эмасми, ерга тушиб чопқиллаб ўйнагилари келади. Гоҳо раҳмим келиб, дам олиш кунлари ерга бирров тушириб келаман. Худди ёш арслонларни сайрга олиб чиққандек.

— Дада, ерга қачон тушамиз? — деб сўраб қолишади зерикишиб.

«Бугун кеч бўлди, эртага дейман» ваъда бериб. Бола эмасми, баъзан қувлашмачоқ ўйнаб, у хонадан бу хонага югуриб ўтишгудек бўлишса, «бас қилларинг, бўлмаса бир ойгача ерга тушмайсанлар» дея ўшқираман. Шу заҳоти, тинчиб қолишади

— Сизлар кимсизлар? — дея берган саволимга: «Бизлар космонавтлармиз» дея жавоб беришади.

— Сизлар қаерда яшайсизлар?

— Биз космосда яшаймиз.

— Баракалла.

Тўғрисиям, ўша фазогирларнинг биздан нима фарқи бор? Уларниям бизга ўхшаб оёғи ерга ойда-йилда бир тегади: фарқи улар баландроқда яшашади.

Бугун кечаси ғаройиб туш кўрибман. Тушимда лифт олдингидай «тақирлаб» ишлаб турган эмиш. Тўрт-бешта улфатлар лифтнинг ишлаётгани билан табриклагани кириб келишаётган эмиш. Шартта уйғониб кетдим. Кўзимни очиб, энди жойимдан қўзғалмоқчи эдимки, хотинимнинг тўнғиллаган овози эшитилди:

— Ҳой, дадаси, уят ҳам керак, манави мусорларни қачон тўкасиз? Кечаям эртага деб айтдингиз. Мен чиқиб тушишга ярасам, кошки. Пашша, сувакларга тўлиб кетди уй.

Қарасам, ростдан ҳам ошхонада тўртта пақир чиқиндига бўғзигача тўлибди. Секин космосдан иккита челакни кўтарганимча, айрим газета мақолаларида ёзилганидек, қадрдон она-замин томон эна бошладим...

**Ўткир САИДОВ.**

## Халқаро кўргазма

Пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ" яна ҳамюртларимизу хорижлик ҳамкорлар билан гавжумлашди. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги ҳамда Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги кўмагида Россиянинг "Сюрпресс" фирмаси ва "Полрос" Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси бу ерда матбаа,ноширлик иши, реклама, ёрлиқлар халқаро кўргазмасини ташкил этди.

Маълумки, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни қадоқлаш-ўраш, чиройли безаш харидорнинг маҳсулотга бўлган қизиқишини орттиради. Кўргазмада ана шу масалаларга кенг ўрин берилган. Мамлакатимиздаги 28 та фирмадан ташқари 18 та хориж фирмалари иштирок этаётган ушбу кўргазмада ноширлик ва матбаа соҳасидаги энг янги қадоқлаш ускуналари ва жиҳозлар намойиш этилаётир. Шунингдек, кўргазмада жаҳоннинг йигирмадан зиёд давлатларида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳам мавжуд.



Навоий кунда керак

*Алишер Навоий Ҳиротдан — мамлакат пойтахтидан четлатилиб, узоқ Астробод шаҳрига ҳоким этиб жўнатилган пайт. Гарчи у ҳоким сифатида халқнинг кўнглини хурсанд қилган, давлат ишларини жойига қўйиб бажараётган бўлса-да, ҳар доим Ҳиротни соғинар, у ерда қолган дўстларини ёдлар, улар билан учрашувга интиқ ҳолда яшар эди.*

## Ҳазратнинг ҳарбий дўсти

Бугун карвон билан келган бир киши Навоийга унинг дўсти Муҳаммад Паҳлавоннинг Ҳиротдан ёзган мактубини топширди. Навоий бу хатни мамнунлик билан ўқиб чиқди.

Паҳлавон Муҳаммад Навоийга меҳру оқибатини баён қилиб, мактубини қуйидаги тўртлик билан якунлаган:

*Гар жон ажалам*
*аз тани ношод барад*
*Хошоки, маро меҳри*
*ту аз ёд барад.*
*Хоҳамки, шавам хок,*
*маро бод барад*
*Бошадки, ба суйи*
*Астробод барад.*

Маъноси: «Ажал агарчи ношод танамдан жонимни олса ҳам асло меҳрингни ёдимдан ололмайди. Хоҳлайманки, мен тупроққа айлансаму шамол мени Астрободга сенинг ёнингга учириб олиб бориб ташласа».

Хўш, Паҳлавон Муҳаммад ким эди? Навоий ва Паҳлавон Муҳаммаднинг дўстлиги қандай бўлган?

Бу тўғрида Навоий ўзининг дўсти хотирасига бағишлаб ёзган «Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад» деган рисоласида ҳикоя қилади.

Навоийнинг ёзишича, Паҳлавон Муҳаммад куштигир — якка курашга чиқувчи жангчи, паҳлавон бўлган. Эски вақтларда катта жангларда олдин қарама-қарши томонларнинг паҳлавонлари яккама-якка курашганлар. Паҳлавон Муҳаммад ана шундай курашчилардан бўлган. У ҳеч қачон енгилган эмас. Навоий ёзади: «... (У) жаҳондаги паҳлавонларнинг паҳлавони жаҳони, паҳлавонлиғ жаҳонининг жаҳон паҳлавони, сурат ва маънида бешабиҳ ва беназир, яъни Паҳлавон... Муҳаммад куштигир».

Муҳаммаднинг тоғаси Паҳлавон Абусаид ўз замонининг паҳлавони ва таниқли куштигири бўлган. Ёш Муҳаммад тоғасидан бу соҳада таълим олган. У ёшлигидаёқ ўзининг рақиблари устидан қозонган ғалабалари билан шуҳрат топган. Тоғасининг вафотидан кейин эса Паҳлавон Муҳаммад унинг ишини давом эттирган, ёш куштигир жангчиларни ўқитган, ўстирган.

Паҳлавон Муҳаммад куч ва забардастликда даврнинг ягонаси эди. Шунинг учун ҳам у куштигирлик билимининг моҳир устаси бўлиб танилган.

Султон Ҳусайн Бойқаро ҳукмронлиги даврида Ҳирот шаҳрида юзга яқин ёш йигитлар Паҳлавон Муҳаммад раҳбарлигида, тарбиясида куштигирликни ўрганар эдилар. Бу ҳозирги тушунчадаги ҳарбий ўқув юрти бўлиб, Паҳлавон Муҳаммад унга бошчилик қилган ҳамда дарс берган.

Паҳлавон Муҳаммад профессионал ҳарбий киши, паҳлавон — куштигир бўлса-да, табиатан у адабиёт ва мусиқани севар, шоир, бастакор, хонанда ҳам эди. Овози жуда ёқимли бўлиб, яхши ашула айтган. Паҳлавон Муҳаммад «чаҳоргоҳ» ва «сегоҳ» амалларини яратган, уларни гўзал ижро этиб, замона фозилларининг эътирофини қозонган.

Паҳлавон Муҳаммад шеърда Куштигир тахаллусини қўллаган. Унинг шеърлари, муаммо ва рубоийлари шунчалар баркамол бўлганки, «Замон шоирларидан юздан бирида мунчалик хабардорлик ва шеър қобилияти йўқдир», деб ёзади Навоий.

Кўп шоирлар ўз шеърларини Паҳлавонга олиб келиб кўрсатар, унинг ислоҳ ва таҳриридан сўнг элга ошкор айлар эдилар.

Навоий ўзининг Паҳлавон Муҳаммад билан дўстлиги қирқ йил давом этганини ёзади. Навоий ҳаётининг энг оғир бечоралик пайтларида ҳам, шону шавкатга эришган фурсатида ҳам Паҳлавон у билан бирга бўлган.

Бир куни Паҳлавон Муҳаммаднинг шогирдларидан икки йигит шошилинч Навоийнинг ҳузурига келди. Улар Паҳлавоннинг машғулот чоғида тўсатдан кўнгли озиб беҳуш йиқилганини хабар қилди. Навоий дарҳол табиблардан Мавлоно Абдулҳай ва Мавлоно Нуриддинни юборди. Аммо улар етиб боргунларигача Паҳлавон Муҳаммад дунёдан ўтган эди.

Навоий Паҳлавон Муҳаммад хотирасига бағишлаб ёзган китобчасида ҳар томонлама қобилиятли, комил инсон бўлмиш ҳарбий хизматчининг сиймосини яратган. Унда биз ҳунари жангчи паҳлавон бўлган, ҳарбий хизмат билан ижодий меҳнатни баравар олиб борган, тарбиячи ва устоз қаҳрамонни кўрамиз. У ўзининг бой ички дунёси, кишиларга меҳрибон, саховатпеша бир инсон эканлиги билан Навоийдек улуғ бир зотнинг меҳр-муҳаббатига сазовор бўлган.

**Азиз ҚАЮМОВ, профессор.**



## Сизни меҳр танласин

*Бирор касб соҳибига айланиш осон, жумладан, шифокор бўлиш ҳам. Аммо унинг масъулияти, юки оғир. Бу юкни ҳамма ҳам кўтаравермайди, аниқроғи кўтаролмайди. Таъбир жоиз бўлса айтиш лозимки, врач бўлиб туғилиш керак. Шундагина сен ўзингнинг ҳам, беморларнинг ҳам қадрига етасан.*

*Тошкент шаҳар тез тиббий ёрдам клиник шифохонаси травматология бўлими бошлиғи, соғлиқни сақлаш аълочиси, олий тоифали шифокор Тамина Латипова ана шундай фидойи шифокорлардан бири. Бугунги кунда бу маскандан шифо топганлар ва уларнинг яқинлари бирор юмуши бўлмаса-да, Тамина опани бир кўриш, миннатдорчилигини яна бир карра изҳор этиш учун бўлимга тез-тез келиб туришади. Байрам кунлари эса унинг иш телефони ҳам, уй телефони ҳам тинимсиз жиринглаб туради: мамлакатимизнинг ҳамма бурчакларидан бу аёл қўлларидан шифо топган инсонлар, унинг шогирдлари табрик йўллайдилар, шу аснода маслаҳатлар ҳам сўрашади.*

*Бемор, энг аввало, шифохона эмас, шифокор танлайди. Бизнинг ҳам некбин ниятимиз шуки, танланганларнинг ичида танланиб юраверинг, Тамина опа! Сизни меҳр танласин, муҳаббат танласин!*

**СУРАТДА: Т. Латипова шогирди, биринчи тоифали ординатор Равшан Ботиров билан рентген натижаларини кузатмоқда.**

**Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.**

## Кулгу билан енгади

Турмушнинг асаблар қўзғалган зиддиятли лаҳзаларида жиддийроқ табиатли одамлар ўртача 25 фоиз адреналин йўқотса, (адреналин-инсон асабийлашганда организмда сарф бўладиган модда) кулгу усталари 5-10 фоиз йўқотар экан. Бу албатта, инсон табиатига ҳам боғлиқ. Ана шу жиҳатдан олганда ҳажвчи рассом Қуронбой Отаев ижодкор сифатида бирор воқеа ёки ҳолатдан дили оғринган кезлари, ё завқланиб жўшиб кетган лаҳзаларда бор аламини, ҳуморини қаламдан олади. Танлаган мавзусидаги энг оғриқли нуқтани илғаб, бўрттирувчи деталлар қўшадики, беихтиёр ҳам куласиз, ҳам ачинасиз.

Маълумки, турмушнинг оғриқли нуқталарини ҳар бир ижодкор ўзига хос илғайди. Баъзилар қаламида киноя устунлик қилса, баъзиларда ҳолатни кескин инкор этиш хусусиятлари кучлироқ бўлади. Қ.Отаев чизгиларида беғараз кулги орқали иллат қораланади.

Рассомни ўтган асрнинг 70-80-йиллар «Муштум» журнали мухлислари жуда яхши эслайди. «Муштум» журнали ўша пайтлар авж олган лаганбардорлик, баднафслик, ичкиликбозлик, порахўрлик сингари иллатни ёритишда анчайин фаол эди. Хоразм воҳасидан Қ.Отаев «Дардисар фарзанд», «Мен дўстимни пулладим», «Кресло лиқиллаб қолди», «Кенгга кенг дунё» сингари бир қатор ижтимоий-маънавий мавзулардаги суратлари билан кенг жамоатчиликнинг эътиборини тортди. «Муштум» журнали фаолиятига қўшилган ҳиссасини инобатга олиб, 1994 йилда Республикада хизмат кўрсатган маданият ходими унвони берилди. У Ўзбекистон Бадиий академияси томонидан ташкил этилган кўргазмаларда бир нечта ҳажвий суратлари билан иштирок этиб, қатор совринлар соҳиби бўлди. Қ.Отаев узоқ йиллик ҳаётий кузатишлари давомида йиғилган ҳажв суратларини битта китобга жамлаб, уни «Рассом саргузаштлари» деб атади.

«Оқмай қолса, сув ҳам айнийди» деган алломаларимиздан бири. Қуронбой ака тинмай ҳаракатда бўлишни маъқул кўради. «Ялқовроқ, лоқайд табиатли одамларга ҳеч тоқатим йўқ. Ҳамиша фаол бўлиб, имкон қадар эл-юрт корига яраш, ҳар қандай жараёнга муносабат билдириш, муттасил изланиш — бугунги давр кишиси учун энг муҳим хусусиятдир» — дейди рассом. Табиийки, бундай фазилатли ижодкорлар учун юртимизда ҳамиша имкон ва илҳом эшиклари очиқ.

**Мамлакат НОРМУРОДОВА, «Халқ сўзи» мухбири.**

## САВОЛ БИЗДАН...

**Балхаш ва Иссиқкўл хариталари илк бор ким томонидан тузилган?**

*Кечаги сонда берилган саволнинг жавоби:*

**Фарер ороллари Дания ҳудудида жойлашган.**

Бу ҳақда тошкентлик Қ. Каримбеков хабар қилди.

136-35-60




*Изоҳ сиздан.* **Ҳусанбой СОДИҚОВ чизган расм.**

## ЛАТИФАЛАР

Бахтиёр хотинига деди:

— Бунга қара, Ҳилола, мен бешта эркак ва учта урғочи пашша тутиб олдим.

— Қизиқсиз-а, ахир сиз пашшаларнинг урғочи ёки эркаклигини қаердан била қолдингиз?

— Чунки, бешта пашша пиво шишасига қўниб турган экан, учтаси эса ойнага.

* * *

Эр-хотин жанжаллашиб қолишди. Хотин деди:

— Ҳой, қўрқоқ, пастга тушасизми-йўқми? Нега шкафнинг устига чиқиб олдингиз?

Эр: — Уйда мен хўжайинман. Қаерда хоҳласам, шу ерда ўтираман.

* * *

— Уйларингиз турган-битгани ваҳима-ку, эрингиз доимо шунақа хуррак отадими?

— Йўқ, азизим, у фақат ухлаётганда хуррак отади, холос.

* * *

Бир аёл фол очириш учун фолбин кампирникига келди.

— Вой, худойим, яқинда эрингизга ҳужум қилишаркан, — деди фолбин, — натижада эрингиз ҳалок бўларкан.

— Мен-чи, мени қамашадими ёки қўйиб юборишадими?

2002 йил – Қарияларни қадрлаш йили

## Китоб қаҳрамонлари учрашганда...

Ҳар бир даврнинг ўз қаҳрамонлари бўлади. Уларнинг ҳаёт йўли, бунёдкорлик ишлари кишини маёқдек ўзига тортаверади. Вақт ўтиши билан улар таҳририятимизни бойитади, келажак авлодни комил инсонлар этиб тарбиялашда улкан мерос сифатида тилдан-тилга кўчаверади.

Ана шундай улуғ инсонлар ҳақида асарлар ёзиш, китоблар чоп этиш ҳамиша ижодкорлар олдидаги муҳим вазифалардан ҳисоблаб келинган. Таниқли журналист ва шоир Леонид Ветштейн 30 йилдан бери навоийлик заҳматкаш инсонлар ҳаётини тарихда муҳрланиб қолишига ҳаракат қилиб келаяпти. Айниқса, унинг иккинчи жаҳон уруши иштирокчилари ҳақида ёзган ўнлаб очерк ва мақолалари кўпчиликка ёд бўлиб қолган. Леонид Михайлович уруш қатнашчиларини излаб бормаган жой Навоий вилоятида қолмаган ҳисоб. Шу боис унинг қаҳрамонлари тақдири ҳамма учун қизиқарли ва дилга яқин.

Ўзбек тилига ўгирилган «Всем смертам назло» («Қирқ ўлимдан қолиб») китоби қўлма-қўл бўлиб кетгани ҳам шундан далолат беради. Унда вилоят ҳудудидаги юзга яқин уруш фахрийлари жасорати, кейинги тақдири, акс этган. Уларнинг анчаси ҳаётдан кўз юмган бўлса, бир қисми ҳозирги пайтда қарилик гаштини сураяпти. Қайси бир йиғин, тантана бўлмасин давранинг тўрида. Ўтмиш хотираларидан сўзлашдан, бугунги кунимизга шукроналар айтишдан асло чарчашмайди.

Вилоят ҳокими Б. Рўзиев китоб қаҳрамонларини бир пиёла чой устида суҳбатга таклиф этди. Фахрийлар шаънига илиқ сўзлар айтилди. Ўз навбатида собиқ жангчилар ҳурмат-иззат ҳамда эътибор учун миннатдорчилик изҳор этдилар.

— Мазкур китоб ҳаётимда ўчмас из қолдирган, — дейди очерк қаҳрамонларидан бири Равшан Пўлатов. — Асарда қайд этилган тақдирлар бир-бирига ўхшаш. Шу боисми, бир-биримизга талпиниб яшаяпмиз. Ўзаро борди-келдилар фарзандларимизнинг дўстлашишига уланиб кетди. Ўзидан яхши ном, қутлуғ из қолдираётганлар тўғрисида қанча ёзилса ҳам кам. Айниқса, уруш қатнашчиларининг ҳар бири қалбида не-не ўксик армонлар ётибди. Мустақиллик берган имкон туфайли уларнинг номлари ва ишларини келгуси авлодга етказиш катта савоб.

Бундай илиқ сўзларни китобда жасорати, меҳнатдаги фидойиликлари акс этган Иброҳим Норов, Муяссар Нуритдинов, Раиса Межикова, Жуманиёз Ҳайитов, Зоя Орешко, Абдулҳақ Усмонов сингари фахрийлардан ҳам эшитдик.

**Абдуваҳоб ПИРМАТОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

## «Панжоб»да бахтлилар учрашади

Самарқанд шаҳридаги "Панжоб" бахт уйи замонавий янги бинога кўчиб ўтди. Вилоят ҳокимлиги ва вилоят адлия бошқармаси барча қулайликларга эга ушбу бино қурилишининг ташаббускори бўлдилар. Энди самарқандлик келин-куёвлар "Панжоб"да рўйхатдан ўтиб, мустақил ҳаётга йўлланма оладилар.

Қимматбаҳо металлар ва қимматбаҳо тошлар қўмитаси жамоаси қўмита раиси Баҳодир Дадақўзиевга опаси
**Дилшода ИСЛОМОВАнинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги кадрлар ва ўқув юртлари бошқармаси бўлими бошлиғининг ўринбосари Л.Абдуллаевга волидаи муҳтарамаси
**БИБИСОРА онанинг**
вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректорати ва жамоат ташкилотлари «Умумиқтисодиёт мутахассислиги» факультети декани Маҳамадамин Юсуповга укаси
**Абдумалик ЮСУПОВнинг**
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзбек ипаги» уюшмаси, «Пилла-холдинг» ва «Шойи» акциядорлик компаниялари жамоаси Қорақалпоғистон Республикаси «Пилла» акциядорлик бирлашмаси бошқаруви раиси Болтабой Холмуродовга ўғли
**Юнус ХОЛМУРОДОВнинг**
бевақт вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Сабзавот, полиз ва картошкачилик илмий тадқиқот институти жамоаси катта илмий ходим Мастура Ҳалимовага падари бузруквори, иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, халқ селекционери
**Ўринбой КАРИМШОЕВнинг**
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Халқ сўзи»
«Народное слово»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши
ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати:
Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
М. ЕГОРОВ
Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
С. ЗИНИН,
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУҲИДДИНОВ,
Ш. РИЗАЕВ,
М. САФАРОВ,
Р. ФАРҲОДИЙ,
И. ХУДОЁРОВ,
И. ШОҒУЛОМОВ,
О. ҚАИПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
Ў. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:
Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34; 133-78-92
Иқтисодиёт — 136-36-65; 132-10-65
Маънавият ва маърифат — 136-35-60;
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар — 136-29-89, 133-07-48;
Фан, соғлиқни сақлаш ва халқ таълими — 132-12-08;
Янгиликлар ва халқаро ҳаёт — 132-11-15;
Котибият — 133-10-28;
Эълонлар — 136-09-25.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 777, 27606 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ.
Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2.

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ҳамда операторлар Ж. ТОҒАЕВ ва З. БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — Ю. ҲАМИДОВ.
Навбатчи муҳаррир — О. РАҲИМОВ.
Навбатчи — Б. ОСТОНАҚУЛОВ.
Мусаҳҳиҳ — Ш. МАШРАББОЕВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
[t] — тижорат материали.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 21.00.
1 2 3 4 5 6